

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“БИЗНЕС” ФАКУЛЬТЕТИ**

“КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилади”
“Кичик бизнес ва тадбиркорлик”
кафедраси мудири в.в.б., и.ф.н.
Н.Т.Пулатов

« ____ » _____ 2012 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Қорхона капиталини бошқариш тизимида лизинг (ОАТБ
“Ўзсаноатқурилишбанк” Юнусобод филиали мисолида)”**

Бажарди: “Бизнес” факультетининг
“Бизнесни бошқариш” таълим йўналиши
4-курс, БЗ-76 гуруҳи талабаси Максудова
(Қодирова) Д.Б. _____

Илмий раҳбар: “Ташқи иқтисодий
фаолият” кафедраси доценти, и.ф.н.
И.С.Хотамов _____

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди, 2012 йил ____ майдаги
____-сонли баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	9
1.1. Лизинг хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ...	9
1.2. Республикамизда лизинг хизматларини амалга оширишнинг ҳукуқий асослари	23
1.3. Лизинг корхона молиявий ресурсларини сафарбар этишнинг замонавий шакли	32
Биринчи боб бўйича хулосалар	47
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ	48
2.1. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки”да корхоналарни молиялаштириш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари	48
2.2. Корхона капиталини бошқаришда тижорат банклари лизинг хизматларининг аҳамияти	59
2.3. Лизинг тўловларини ҳисоблаш усуллари	63
Иккинчи боб бўйича хулосалар	75
III БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	76
3.1. Тижорат банкларида лизинг хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	76
3.2. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида микролизинг операцияларини суғурталаш орқали ҳимоялаш йўллари	83
Учинчи боб бўйича хулосалар	94
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	95
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	99
ИЛОВАЛАР	108

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини тез суръатлар билан ривожлантириш, бир томондан замонавий ускуна ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса зарур бўлган молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Замонавий янги техника, ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар, молиявий ресурсларга эга бўлган ва бу маблағларни самарали жойлаштириш мақсадларида фаолият юритувчилар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти соҳиблари ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда лизинг жуда ҳам қўл келади.

Зеро, “Банк-молия хизматиға кирувчи хизмат турлари – минибанклар сони, махсус жамғарма кассалар сони, аҳолининг тижорат банклариға қўйилмалари ҳажми, пластик карточкалар сони, терминаллар сони, терминаллар орқали бажарилган операциялар ҳажми, тижорат банкларининг ажратган кредитлари ҳажми, истеъмол кредитлари ҳажми, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми каби кўрсаткичларнинг йиллик (чораклик, ойлик) прогноз кўрсаткичларини ҳар бир туманда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида, лизинг ва суғурта хизматлари лизинг (банк) ва суғурта компаниялари кесимида муддати ва манзили аниқ белгиланиши лозим. Ушбу белгиланган муддат ва манзил бўйича ҳар бир хизмат тури бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини ҳар ойда назорат қилиб бориш”¹ талаб этилади.

Молия бозорида рақобатни янада ривожлантириш, капитал инвестициялар ҳажмининг ошишини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. Б. 189.

лизингнинг ўрни бекиёсдир. Дунёда ҳукм сураётган инқироз шароитида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, тижорат банкларида лизинг хизматларини оқилона ташкил этиш, мамлакатимизда лизингнинг ривожланишига қийинчилик туғдираётган бир қатор муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Лизингнинг юзага келиш амалиётидан қуйидагилар унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилмоқда:

- лизинг берувчилар ҳам, лизинг олувчилар ҳам унинг моҳиятини, афзалликларини етарлича тушуниб олмаганлари;
- лизинг бозорига хизмат қиладиган инфратузилмалар, ривожланган лизинг компаниялари, консалтинг фирмалари тармоқларининг камлиги;
- лизинг инфратузилмасида ишлайдиган тажрибали ходимларнинг етишмаслиги;
- лизинг компанияларини ташкил этиш учун устав капиталининг камлиги;
- лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо тўлдириб туриладиган ва тушунарли ахборот билан таъминлайдиган лизинг ахборот таъминоти тизими тўла ривожланмаганлиги.

2011 йил якунларига кўра, республикаимизда лизинг соҳасида 84 та лизинг берувчи – 44 та лизинг компанияси, 21 та тижорат банки ва 19 та бошқа ихтисослашган компаниялар фаолият юритиб турибди. Лизинг битимлари умумий ҳажмида лизинг компанияларининг улуши 67,1% ни, тижорат банклари улуши 32,9% ни ташкил этади. Лизингга берилаётган объектлар орасида қишлоқ хўжалик техникаси етакчилик қилиб, унинг улуши 30,9% га тенг бўлди. Шунингдек, лизингга технологик ускуналар олиш улуши умумий таркибнинг 30,9% ни, автотранспорт улуши 24,8% ни ва мулк мажмуалари шаклидаги кўчмас мулк улуши 14,2% ни ташкил этди².

² Лизинг берувчилар уюшмаси маълумотлари. Тошкент, 2012 йил.

Шунингдек, лизинг операцияларининг ялпи миқдори бир триллион 258 миллиард сўмдан (686,8 млн. долл.) ошганлигини, лизинг хизматлари ҳажми эса 2010 йилга нисбатан 10% га ўсганлигини қайд этиш лозим. 2011 йилда кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажми 111,0 млн. сўмни ташкил этди. Маълумотларга қараганда 2012 йилда миқдори 542,6 млрд. сўмни (298,1 млн. долл.) ташкил қиладиган лизинг битимлари тузилиши ҳамда лизинг операциялари ялпи миқдори 1,44 трлн. сўмни (791,2 млн. долл.) ташкил қилиши кутилмоқда.

Ушбу омиллар мамлакатимиз тижорат банклари томонидан корхоналар капиталини бошқариш тизимида лизинг операцияларини такомиллаштириш, ундаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқиш мазкур битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида бозор субъектлари фаолияти учун зарур бўлган лизингни ўрганишга эътибор янада ортмоқда. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Э.Долан, Р.Д.Баззел, Д.Д.Ван-хауз, Х.У.Дюриг, С.А.Чандра, Г.Даулинг ва бошқаларнинг илмий асарларида лизингнинг турли қирралари ўз аксини топган.

Мамлакатимизда корхона капиталини бошқариш тизимида лизингдан фойдаланишнинг назарий ва амалий йўналишлари ҳозирги кунда кам ўрганилган муаммо ҳисобланади. Хусусан, С.С.Ғуломов, Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобоқулов, А.В.Вахабов, Ф.М.Муллажонов, О.К.Иминов, А.А.Омоновларнинг илмий ишларида молия бозори, унда тижорат банкларининг ўрни, шунингдек, корхона капиталини бошқаришда лизингнинг айрим масалалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида тижорат банкларини капиталлашув даражасига, инвестиция фаолиятига, банк муассаларини кенгайтириш масалаларига бўлган

талабларнинг ўзгариши ва бундан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишда лизингнинг аҳамияти ва вазифалари деярли ўрганилмаган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда корхона капитални бошқариш тизимида лизингни кенгайтириш ҳамда уни такомиллаштириш муаммоси мавжуд.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Ишнинг асосий мақсади лизинг муносабатларининг Ўзбекистон иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришни жадал модернизация ва реконструкция қилишда ғоят долзарб бўлган мамлакат иқтисодиётини таркибий қайта қуриш борасидаги амалий ишларда тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли ҳамда инвестицион жараёнини молиялаштиришнинг энг муқобил ва оптимал варианты эканлигини асослаш, шунингдек тижорат банклари томонидан олиб борилаётган молиявий лизинг хизматларининг корхоналар молиявий салоҳиятини оширишда тутган ўрнини ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз молия бозорида мустаҳкам лизинг бозори инфратузилмасини ташкил этиш йўллари;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий инқироз таъсири остида лизингнинг кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини белгилаб бериш;
- тижорат банкларида молиявий лизинг операцияларини ташкил этиш йўлларинини такомиллаштириш;
- тижорат банкларида лизинг лойиҳаларини иқтисодий баҳолаш тартиби;
- тижорат банкларида лизинг лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш модели;
- лизинг операцияларини мукамаллаштириш ва уларни суғурталаш орқали ҳимояланишини таъминлаш йўллари бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти: ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали.

Тадқиқот предмети бўлиб, тижорат банклари томонидан олиб борилаётган лизинг операцияларини ўрганиш, лизинг хизматларидан фойдаланаётган корхоналар молиявий салоҳиятидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда ислохотлар даврида лизинг муносабатларини корхоналар фаолиятида кенг жорий этиш ва унинг молия бозоридаги улушини ошириш билан боғлиқ бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида сегментлаш, эконометрик моделлаштириш, илмий абстракция, қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув методологияси ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий-услубий ва илмий асосларини мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг концептуал қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фармонлари, асарлари, Марказий банкнинг лизинг бўйича йўриқнома ҳамда меъёрий ҳужжатлари, халқаро классик ва ҳозирги замон иқтисодиёт назариялари, маркетинг дастурларини ривожлантиришнинг асосий қонун-қоидалари, мустақил давлатчилик ва лизинг соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда уларни амалга ошириш йўналишларига бағишланган мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг ушбу соҳадаги илмий асарлари, махсус йўриқномалар ва кўрсатмалар ташкил этади.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) миллий иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий жиҳатдан лизингнинг самарадорлиги асослаб берилган;
- 2) лизингнинг иқтисодий-ҳуқуқий моҳияти аниқлаштирилган;

3) лизинг фаолиятида учрайдиган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари белгиланган;

4) лизинг тўловлари таркиби ва уни ҳисоблашнинг бир қатор усуллари келтирилган;

5) лизинг лойиҳаларини баҳолаш усуллари ва самарадорлигини таъминлаш моделини яратишга қаратилган таклиф ва хулосаларда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, тижорат банкларида лизинг лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини таъминловчи моделни яратиш бўйича тавсия этилаётган таклифлар хўжалик юритувчи субъектлар молиявий маблағларини мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг лизинг бозоридаги фаолиятини янада кенгайтиришга ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашга амалий ёрдам бериши кўзда тутилмоқда.

Мазкур тадқиқот натижаларидан мамлакатимиздаги тижорат банклари сифати ва кўламини кенгаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Лизинг” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, унинг умумий ҳажми 107 бетда ифода этилган. Битирув малакавий ишида 12 та жадвал ва 12 та расмдан фойдаланилган.

I БОБ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Лизинг хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Лизинг муносабатларининг моҳияти унинг шаклланиши, бизгача етиб келиши ва ривожланиши, шунингдек ушбу ривожланиш давомида юзага келган ўзгаришлар тарихини чуқурроқ ўрганиш натижасида ёритилади. Иқтисодий муносабатлар тарихини ўрганувчи олимлар фикрига кўра ижара муносабатлари бундан 4 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг бой ва рангбаранг тарихи билан ажралиб туради. Инсоният тарихидан дастлабки ижара келишувининг қачон амалга оширилганлигини ҳеч ким аниқ билмасида ушбу фаолият туридан гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар эрамиздан олдинги 2000 йилларга тўғри келади. 1984 йилда Шумер давлатининг Ур шаҳарчасида олиб борилган қазилма ишларида олимлар томонидан дастлабки ижара келишувлари ифодаланган лойтахталар топиб олинган³. Бу лойтахталардан руҳонийларнинг биринчи ижарага берувчилар бўлишганини ва улар ижарага қишлоқ хўжалик қуролларини, сув манбалари ва ҳоказоларни беришганини эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, олимлар томонидан эрамиздан олдинги 450-400 йилларда Вавилон давлатининг жануби-шарқий томонида жойлашган қадимги шаҳар Ниппурда Мурашу оиласи асос солган дастлабки ижара компанияси аниқланган. Ушбу оила ўз даврида ижара хизматлари бозорида етакчилик қилиб, асосан ер, қорамол ва қишлоқ хўжалик техникасини ижарага берган⁴.

³ Газманов В.Д. «Рынок лизинговых услуг». – М.: Фонд «Правовая культура», 1999.17-бет.

⁴ Ўша манбада,18-бет.

Халқаро савдода ўзининг уддабуронлиги ва омадлилиги билан донг таратган финикияликлар кемаларни ижарага бериш билан шуғулланишган. Қадимда амалга оширилган ижара келишувларини ўзининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳиятига кўра ҳозирги лизинг муносабатларига жуда ўхшаб кетади. Айнан финикияликларни оддий ижара муносабатларидан фарқ қилувчи молиявий ижара (лизинг)нинг асосчилари деса тўғри бўлади. Ўша пайтда лизингга олувчиларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун берилган кемаларнинг муддати уларнинг самарали фойдаланиш муддатига яқин бўлган. Финикияликлар мижозларининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун ижрага бераётган кемалари билан биргаликда кемачилар гуруҳини ҳам қўшимча хизмат сифатида таклиф этишган. Гарчи лизингга олувчилар кемаларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, иқтисодий фойдага эга бўлишсада, улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳам жуда кўп бўлган⁵.

Эрамизнинг 1066 йилида Норвегия қироли ҳамда Нормандия герцоги бирлашиб тўсатдан Англияга хужум қилишади. Икки ҳафта ичида иккала флот томонидан Англиянинг кўпгина қирғоқлари эгалланиб олинади. Ўша пайтда на Норвегия қироли ва на Нормандия герцоги етарлича ўзининг кемаларига эга бўлишган. Бундан ташқари улар бу турдаги харбий компанияни молиялаштиришга ва ўзларининг фаолиятларини қуришга ҳам маблағга эга бўлишмаган. Инглизлар эса бошқа чора топа олмай тақдирларига тан беришган. Лекин ҳаммаси ўзгача бўлиши мумкин эди, яъни бу орада қирол ва герцог молиялаштириш манбаини топишди: улар флот, қурол-яроғ ва харбий гуруҳларни ижарага олишиб, ўзларининг «бизнес - режа» ларини муваффақиятли амалга оширишади.

Европадаги савдо марказларидан бири бўлган қадимий Венецияда ҳам дастлабки лизинг муносабатлари мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумот

⁵ Кабатова Е. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. – М.: наука, 1991. 38-бет.

сақланиб қолинган⁶. Венецияликлар савдо-сотиқ мақсадида келган хорижий савдо кемаларини сув кўрфазида ушлаб туриш учун ўша дарвларда ўта қимматбаҳо бўлган кема лизингларини ижарага беришган. Кейинчалик бундай имтиёзли хизмат туридан узоқ сафарларига отланган маҳаллий сув кемаларининг эгалари ҳам фойдаланишган.

Ўрта асрларда қишлоқ хўжалик қироллари ва ўқлари ижараси машҳур бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, ўша пайтда рицарлик қурол-аслаҳалари жуда қиммат бўлганлиги туфайли уларни ижарага бериш оммалашган.

Масалан, 1248 йилда Гаэталик рицарь Бонфилс Манганелла еттинчи салб юришига тайёрланаётиб рицарлик қурол-аслоҳаларини ижарага олган. Ижара ҳақи қурол-аслаҳаларни сотув қийматининг 25 %ни ташкил қилган. XIX асрда жамиятда фойдаланилаётган ижара предметларининг кўпайиб кетаётганлиги сабабли ижара муносабатларида ҳам ўсиш кузатилган. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасида қўлланилаётган технологияларнинг жадал ривожланиши тадбиркорлик қатламида ижарага бўлган талабнинг ошишига ва унинг анча омаллашувига олиб келди. АҚШ да темир йўлларини қуриш ижаранинг янада тез суръатларда ўсишга сабаб бўлди.

Шу йилларда астриялик олим В.Хойер 1877 йилда ўзининг «Европада қандай қилиб бизнес қилиш керак» деган китобида “Белл” телефон компаниясида ишлаб чиқарилган телефон аппаратларининг сотилмасидан ижарага берилганлигини ва унинг натижасида катта фойда кўрилганлиши ҳақида ёзади.

Бу компания ўз истеъмолчиларига телефон аппаратини қийматини алоқа хизмати ҳақиға мутаносиб равишда қўшиб тўлаш шарти билан ижарага бериб юборган. Бунда истеъмолчилар телефон аппаратида фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга келишилган тўловларни амалга оширилганларидан сўнг, унинг эгаси бўлиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишган. Бу воқеа алоқа соҳасининг

⁶ Кабатова Е. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. – М.: наука, 1991. 39-бет.

ривожланишига ҳамда истеъмолчилардан ўз мулкига бўлган эгалик туйғусини шакллантиришга туртки бўлди. Демак, ижара орқали нафақат мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини, балки ижарага олинган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритиш мумкинлиги исботланди. Ушбу телефон аппаратлари ижараси ҳозирги замонавий лизинг муносабатларининг тамал тошидан бири бўлган ижарага берилган мулкни ижарага олувчининг мулкига ўтиш қондасини кўрсатиб берди.

XX асрдаги саноат инқилоби ижара муносабатларига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмади. Бу пайтга келиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ижаранинг ривожланишига туртки беришди. Улар ижарага ўзлари ишлаб чиқарган асбоб-ускуна ва қурилмаларни сотиш воситаси сифатида қарай бошлашди.

Бу пайтда Буюк Британияда капитализмнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини ижарага бериш жараёнини тезлаштириб юборди. Айниқса темир йўл транспорти ва тошкўмир қазиб олишнинг гўрқираб ўсиши ижара муносабатларини жонланишида катта роль ўйнади. Маълумки, қазиб олинган тошкўмирни истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда катта микдордаги темир йўл вагонларига зарурият туғилади.

Лекин кон саноати корхоналари ҳамма вақт ҳам бундай молиявий имкониятга эга бўлишмаган. Ана шундай ҳолатларда молиявий жиҳатдан бақувват компаниялар фойда олиш учун темирйўл вагонларини сотиб олиб, уларни кончиларга ижарага беришган. Вақт ўтиб ижара муддати тугагач, кончиларга вагонларни сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара битими тузилган. Бундай шартномалар «ижара-сотиш» деб аталган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирсак замонавий лизингнинг яна бир муҳим жиҳати бўлган – учинчи (воситачи) шахснинг, яъни лизинг компанияларининг вужудга келиши учун пойдевор қурилганлигини кузатишимиз мумкин.

Лизинг тарихини ўрганар эканмиз, бу борада Аристотелнинг фалсафий фикрларига тўхталиб ўтиш лозимдир. У ўзининг асарида «Бойлик мулкка эгалик


килишда эмас, балки ундан оқилона фойдаланишдадир», яъни хўжалик юритувчи субъект даромад олиши учун бирор бир мулка эга бўлиши шарт эмас, фақатгина шу мулкдан фойдаланиш натижасида даромад олиш ҳуқуқига эга бўлиши етарли, деган фикрни илгари сурган эди. Олим ушбу фалсафий фикрлари билан лизинг ғоясини яратди, у бугунги кунда ҳам лизинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий жиҳатдан лизинг дастлаб эрампиздан олдинги V асрда Рим империясининг қонуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Рим ҳуқуқномасини кодлаштирган Рим императори Юстиниан I (483-565) ижара муносабатларини ҳуқуқий ҳужжатларда қайд эттирган. Бундай ижара муносабатларни ривожлантириш нафақат фалсафий ғояларга эга бўлиш, балки у мулкӣ муносабатлар сифатида ўзининг ҳуқуқий мазмунига эга бўлишини тақоза этган.

Юқорида келтириб ўтилган тарихий маълумотлар лизинг муносабатларини фақат шу даврдан бошлаб мавжуд бўлган, деган хулосани бермаслиги керак. Чунки инсоният тарихи ранг-баранг бўлиб, унинг ҳоли очилмаган қирралари беҳисобдир.

Лизинг ғояси гарчи янги бўлмасада лизинг атамасининг қўлланилаётганлигига кўп вақт бўлган эмас. Лизинг муносабатларида туб ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларида Америкада содир бўлди. Лизингга технологик воситалар, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бир қатор ишлаб чиқариш воситалари фаол равишда берилди бошланди. Ушбу ўзгаришларни АҚШ ҳукумати муносиб баҳолаб, лизинг фаолиятини рағбатлантирувчи давлат дастурини ишлаб чиқди, бунинг натижасида лизинг муносабатлари жадал ривожлана бошлади ва лизинг бизнесининг шаклланишига туртки берди. Маълум бир тўлов эвазига лизинг компаниялари ва фирмалари ташкил этилиб, лизинг операциялари тадбиркорлик фаолиятининг асосига айланди.

Ўтган асрнинг 60-80-йилларида АҚШ, Канада ва Европада лизинг муносабатлари тез суръатларда ривожланди, унинг географик майдони кейгайиб Австралия ва Японияда ҳам лизинг бозори шакллантирилди. 80-йилларнинг охирига келиб лизингнинг ривожланиш даражаси ва динамикасини қуйидагича тавсифлаш мумкин: агар 1987 йилда АҚШ саноатига киритилган жами инвестициянинг 28 фоизи мол-мулк (асбоб-ускуналар) лизингига тўғри келган бўлса, Австралияда ушбу кўрсаткич 30 фоиз атрофида, Буюк Британияда 20 фоиз, Францияда 17 фоиз, Италияда 14 фоиз, Германияда 15 фоиз, Австрияда 9 фоиз атрофида, Канадада эса қарийб 8 фоиз бўлган. Ҳозирги кунда лизинг операциялари ушбу мамлакатларда 1,5-2,0 марта ошган. Россияда ушбу кўрсаткич 1996 йилда 1,2 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга келиб 20 фоизга этган⁷.



1-расм. АҚШда лизингга берилган жами мол-мулк таркиби⁸

Бундан ташқари, 1987 йилда АҚШда лизингга берилган жами мол-мулкнинг таркиби 1-расмда ифодаланган. Шунингдек, шу йили АҚШда лизингнинг

⁷ Проф. Ж.Р. Зайналовнинг «Лизинг ва лизинг операциялари» фанидан маъруза матни материаллари. 2008 й.

⁸ Financial leasing in Central Asia, IFC, SECO, 2011.

алоҳида шакллари ўртасидаги муносабатлар қуйидагича бўлган: жами тузилган лизинг шартномалари орасида молиявий лизинг операциялари бўйича тузилган шартномалар 65фоизни, оператив лизинг бўйича эса 10фоизни ва левеж-лизинг бўйича эса 25фоизни ташкил этган.

Юқорида келтирилган рақамлар асосида биз тадбиркорлик фаолиятининг нисбатан янги шакли бўлган лизинг муносабатларининг ривожланиш доираси ва динамикасини кўриб ўтдик. Шулардан хулоса қилиб, лизингга таъриф бериб ўтсак.

Халқаро молия корпорацияси мутахассислари томонидан лизинг қуйидагича талқин қилинган: «Лизинг бу мулкый муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига кўра учинчи тараф (мол етказиб берувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради».

Лизингга берилган бу таърифда лизингнинг мулкый муносабатлар мажмуи ва бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган фойда олиш истагининг маҳсули эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таърифи ҳам эътиборга моликдир, яъни «Лизинг – бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва кўчмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади».

Ушбу таърифда лизинг ижара шартномаси сифатида баҳоланиб, унинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилган.

Лизингни таърифлашда дастлаб унинг мулкый муносабатлар эканлигини эътиборга олиб, бу таърифда унда иштирок этаётган барча субъектларнинг

мавқеи ва манфаатлари ўз ифодасини топиши керакдир. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, Ш.У. Ҳайдаров, Х.А. Ортиқов ва Х.А. Тухсановлар ўзларининг асарларида лизингга қуйидагича таъриф бериб ўтишган.

«Лизинг деганда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни лизинг олувчига ҳақ эвазига лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун ҳамда шартнома тугагандан сўнг лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқи билан бериладиган мулкӣ муносабатлар мажмуидир»⁹.

Ушбу таърифда лизингнинг ўзига хос хусусияти, яъни бу муносабатларда уч субъектнинг иштирок этиши ҳамда мулкчилик ҳуқуқининг ўзгаришига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Хорижий адабиётларда мутахассислар лизингга таъриф беришда унинг луғавий маъносига ҳам эътибор беришган (инглизча «lease» феълидан олинган бўлиб, «мулкни ижарага бериш» ёки «мулкни ижарага олиш» маъноларини англатади). Баъзи манбаларда таъкидланишича, машина, жиҳоз, транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқаришга тааллуқли ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатли ижарага олиш лизинг сифатида эътироф этилган¹⁰.

Бошқа бир адабиётда лизинг деганда маълум бир муддатга тўлов асосида мулкни вақтинчалик эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун ижарага бериш муносабатлари тушунилади¹¹, деб таърифланган.

Бу таърифларда лизингга асосан ижара муносабати сифатида ёндашилиб, унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор берилмаган.

⁹ Ҳайдаров Ш.У, Ортиқов Х.А, Тухсанов Х.А. Лизинг: Тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби.- Т.: «NORMA» МЧЖ, 2006. 43-бет.

¹⁰ Джуха В.М. Лизинг. Серия «Учебники, учебные пособия». -Ростов н/Д: «Феникс», 1999. 56-бет.

¹¹ Лизинг: основы теории и практики: учебное пособие/ В.А. Шабашев, Е.А. Федулова А.В. Едошкин; под. ред проф. Г.П. Подшиваленко – 3-е изд. перераб и оп. – М.: кнорув, 2007.

М.И. Лещенко томонидан лизингга берилган таърифлар юқоридагилардан бир мунча фарқ қилади. Унинг фикрича лизинг – бу шундай товар кредитики у лизингга берувчидан лизингга олувчига турли шаклдаги мулк (қурилма, ускуни, машина, кема ва ҳоказо)ни фойдаланишга берилиши билан анъанавий банк ссудасидан фарқ қилади.

Лизингга берувчи ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан мулкни тўлиқ қиймати бўйича эгаллигига олиб молиявий хизмат кўрсатади, лизингга олувчи эса ушбу қийматни даврий равишда тўлов (бадал)лар ҳамда кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни биргаликда тўлаб қоплайди¹². Бу ерда лизингнинг ўзига хос хусусияти мулкка эгалик қилиш ҳуқуқида намоён бўлади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг муддати мобайнида тўлиқлигича лизингга берувчида бўлади. Бу ҳуқуқ лизингга олувчига фақатгина шартномада кўрсатилган муддатда келишилган тўловлар бутунлай тўлангандан кейингина ўтади. Буларнинг барчаси лизинг операцияларининг лизинг бозори иштирокчилари учун нақадар фойдали эканлигидан далолат бериб турибди.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, лизингга қуйидагича таъриф бериб ўтамиз:

«Лизинг – бу вақтинчалик бўш турган ёки жалб қилинган молиявий воситаларни инвестициялашни ўзида акс эттириб, бунда лизингга берувчи маълум бир сотувчидан мулк шартномада келишилган мол-мулкка эгалик қилиш ва ушбу мол-мулкни вақтинчалик фойдаланганлик учун тўлов асосида охирида харид қилиш ҳуқуқи бўйича лизингга олувчига тақдим этиш мажбуриятини олади».

Шу ўринда 1988 йил 28 майда Оттавада қабул қилинган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенциянинг (УНИДРУА) иқтисодий фанида

¹² Лещенко М.И. Основа лизинга: Учеб. пособие ч-е изд. перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2004.


шакллантирилган «лизинг» атамасига тўхталиб ўтсак. Фикримизча у лизингнинг энг тўлиқ таърифи бўлиб, қуйидагича ифодаланган.

Лизинг-бунда бир тараф (ижарага берувчи):

1) бошқа тараф (ижарага олувчи)нинг кўрсатмасига биноан ижарага берувчи учинчи тараф (мол етказиб берувчи) билан ижарага олувчи томонидан тасдиқланган шартларга мувофиқ ускуналар, мол-мулк ёки асбоблар сотиб олиш тўғрисида шартнома (мол етказиб бериш тўғрисида контракт) тузади;

2) ижарага олувчи билан контракт (ижара шартномаси, лизинг келишуви) тузади ва ижра ҳақини тўлаш шarti билан унга ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади.

Бундан ташқари, Конвенцияда лизингнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатиб ўтилган: фойдаланувчи мустақил равишда ускунани аниқлайди ва мол етказиб берувчини танлайди; ускуна уни келгусида албатта лизингга топшириш мақсадини назарда тутган ҳолда, лизингга берувчи томонидан тузилган ёки тузилиши лозим бўлган лизинг шартномасига мувофиқ сотиб олинади; лизинг шартномаси бўлган тўланиши лозим бўлган даврий тўловлар, хусусан, ускунанинг бутун ёки муҳим қисми қийматининг амортизациясини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Лизингнинг анъанавий чизмаси қуйида келтирилган (2-расм).



2-расм. Лизинг операциялари кетма-кетлигининг анъанавий чизмаси¹³

Бу ерда: 1-лизинг келишувининг тузилиши; 2-лизинг объектини етказиб бериш; 3-лизинг объекти берилганлиги учун тўлов; 4-лизинг ҳақлари учун тўлов.

¹³ Лещенко М.И. Основа лизинга: Учеб. пособие ч-е изд. перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2004.

Мол-мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш, шунингдек тасарруф этиш соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндиси бўлган лизингнинг мазмунини ўрганаётганда унинг пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиган кредит муносабатларига асосланган мулкӣ муносабатлар йиғиндиси эканлигига ҳам алоҳида урғу беришимиз керак.

Шу ўринда Д.Ғ.Ғозибеков бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассисларнинг қуйидаги фикрига эътибор берамиз. «Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этади, шулар ёрдамида замон ва маконда капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ёки қўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади»¹⁴.

Гарчи лизинг муносабатларининг асосини кредит муносабатлари ташкил этсада, улар ўртасида муайян тафовутлар ҳам мавжуд (1-жадвал).

Шундай қилиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, лизинг муносабатлари кредит муносабатлари ҳамда ижара билан маълум бир умумийликка эга бўлса ҳам кўпгина кўрсаткичлар жиҳатидан улардан мутлақо фарқ қилади. Лизинг, аввало ўзининг мазмуни, шакли, субъектлар доираси, иқтисодий самарадорлиги ва солиққа тортиш тизими каби кўрсаткичлари билан оддий кредит муносабатларидан фарқ қилади.

1-жадвал

Кредит ва лизинг муносабатларининг энг муҳим фарқлари¹⁵

Кўрсаткичлар	Кредит	Лизинг
Субъектлар	Кредит берувчи ва олувчи	Сотувчи (ишлаб чиқарувчи), лизинг берувчи ва лизинг олувчи
Молиялаштириш	Пул воситалари кредит шартномаси бўйича бевосита кредит	Расмана молиялаштириш юз бермайди (лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олади ва уни лизинг олувчига беради)

¹⁴ Ғозибеков Д. Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Fan va tehnologiya», 2004. 87-бет.

¹⁵ Ўша манбада, 90-бет

	олувчининг ҳисоб рақамига келиб тушади.	
Гаров таъминоти	Гаров таъминоти қиймати банк томонидан белгиланади (одатда кредит қийматининг 125% ҳисобида)	Гаров таъминоти катталигини ҳар бир лизинг компанияси мустақил равишда ўрнатади.
Назорат	Таъсир воситаларининг йўқлиги сабабли воситаларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиб бўлмайди.	Лизингга аниқ келишилган мулк (қурилма, ускуна, машина ва ҳ.) берилиши сабабли воситалар устидан назорат қафолатланган
Йўналтири-лиши	Инвестициялар исталган тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилади	Инвестициялар ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватини модернизациялаш ва ривожлантиришга йўналтирилади.
Объектга эгалик ҳукуки	Кредитга сотиб олинган мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳукуки кредит олувчига тегишли	Лизинг шартномаси амал қилиш давомида, лизинг объекти лизинг берувчининг мулки ҳисобланади, лизинг олувчи эса ушбу объектдан фойдаланиш ҳукукига эга. Лизинг шартномасининг муддати тугагач ва барча тўловлар тўлангандан кейин, лизинг объекти тўлиқ лизинг олувчининг мулкига айланади.
Фоизлар-нинг тўланиши	Одатда, ҳар ойда маълум бир ставкада амалга оширилади.	Ҳар ой ёки ҳар чоракда амалга оширилади. Ҳар бир лизинг объекти учун алоҳида ёндашилади. Лизингтўловлари лизинг олувчининг даромадига қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин.
Молиялаш-тириш катталиги	Одатда, харид қилинаётган объектнинг тўлиқ қиймати қамраб олинмайди. Кредит олувчи қисман ўз маблағини ҳам қўллаши талаб қилинади.	Лизинг объекти нархининг лизинг берувчини томонидан тўлиқ қопланиши кўзда тутилган.
Солиқ соҳасидаги афзаллик-лар	Ўрта ва узоқ муддатли кредитларда даромаднинг солиқ солинадиган базасини белгилашда фоизлар айириб ташланмайди.	Лизинг шартномаси амал қилиш муддатида лизингга олинган мулк солиқдан озод қилинади. Даромаднинг солиққа тортиладиган базасини аниқлашда лизинг олувчи қонунчиликка мувофиқ қуйидагилардан озод бўлади: А) лизингга олинган асосий воситаларнинг амортизация тўловлари суммаси. Б) лизинг шартномаси амал қилиш муддатидан қатъий назар лизинг бўйича фоизлар.

Лизингнинг бошқа молиявий инструментларга нисбатан афзаллиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. Молиявий жиҳатдан: бир вақтнинг ўзида ҳам ускуна харид қилинади, ҳам молиявий қийинчиликлар юзага келмайди. Тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлари ўртасидаги нисбат ижобий сақанади. Бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган талабдан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ёки янги техника харид қилиш муаммосини оператив тарзда ҳал қилиш имконини беради. Бу ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини оширади, маблағлар даромад келтирувчи соҳага йўналтирилади. Лизинг тўловлари баҳолар индексига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун ижарадан фарқли ўлароқ, шартнома амал қилиш муддатида ўзгартирилмайди. Лизинг берувчи ўз фаолияти давомида бир қатор имтиёзларга эга бўлади ва шунинг учун лизинг тўловларини амалга оширишда лизинг олувчига бир қатор қулайликларни яратиб беради.

2. Инвестицион жиҳатдан: корхона мол-мулкни лизингга олишда уни кредит ҳисобига харид қилишда бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, лизинг объекти гаров сифатида иштирок этгани учун унга қўшимча таъминот тури талаб этилмайди. Талаб этилган тақдирда ҳам бу кредитга қараганда бирмунча кам суммани ташкил этади. Лизинг лизингга берувчи маблағини тўлиқ қайтарилишини кафолатлайди. Чунки, лизинг объекти лизингга берувчининг балансида акс этади ва шартнома муддати тугагунга қадар лизинг компаниясининг мулки ҳисобланади. Лизинг бошқа инвестицион инструментларга қараганда камхарждир. Бунинг натижасида иқтисод қилинган маблағлар қўшимча инвестицияларга йўналтирилиши мумкин.


3. Ташкилий ва эксплуатация қилиш жиҳатидан: лизинг асбоб-ускуна, техника, машина ва механизмлар нархининг тўлиқ суммасини тўламасдан туриб, улардан фойдаланиш имконини беради. Лизингга олинган ускунани ишлатиб, фойда кўриш ва бу фойда ҳисобидан ускунанинг нархини тўлаш мумкин.

4. Сервис хизматлар: лизингга олувчи лизинг объекти билан биргаликда бир қатор сервис хизмати турларини ҳам олиши мумкин. Булар суғурта,

транспортировка, ускунани ўрнатиш, кафолатли хизмат, профилактика ва бошқа хизмат турларидир.

5. Бухгалтерия ҳисоби: лизинг бўйича харажатлар жорий харажатлар таркибига ва маҳсулот таннаригига киритилади, бу солиққа тортиладиган фойда микдорининг камайишига олиб келади.

Лизинг юқорида кайд этилган афзалликлари унда бир катор муҳим функциялар мужассамлашганлигини англатади. Лизингнинг энг асосий функцияси молиявий функция ҳисобланиб, у тадбиркор (лизингга олувчи)ни лизинг объектига унинг қийматини бир йўла тўлашдан озод этишда ва унга молиявий воситачи (лизинг компанияси) маблағи ҳисобидан лизинг кредити беришда намаён бўлади. Лизинг муносабатлари лизингга олувчига ҳеч қандай пул маблағи қулай лизинг мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиш имкониятини яратади. Лизингга берувчининг балансида лизинг мулки қиймати кўрсатилган тақдирда лизингга олувчи лизинг мулки қийматини ҳисобга олмаган ҳолда ўзининг капитал ва жорий активларини баҳолаши мумкин. Лизингнинг ушбу функцияси лизингга олувчига ҳеч қандай сарфларсиз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароит яратади. Бундай ташқари, ишлаб чиқариш функцияси лизингнинг иккинчи муҳим жиҳати ҳисобланади, у корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини тезкорлик билан ҳал этишда лизинг объектини сотиб олиш йўли билан эмас, балки ижара шартлари асосида вақтинчалик олиб, янги ускунани фаол ҳаракатга тушуришда намаён бўлади.



3-расм. Лизингнинг функциялари¹⁶

Лизингнинг юқоридаги икки функцияси билан бир қаторда яна сотиш функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. У истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва мазкур вақтда шундай лизинг мулкани олишга имкон бўлмаганларни ишлаб чиқариш соҳасига сотиш учун янги бозорни эгаллаш имконини яратади. Бундан ташқари, лизинг тадбиркорлик миқёсини кенгайтириш, давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулк қийматини тўлашда намаён бўладиган инновация функциясини амалга ошириш учун шароит яратади, булар ёрдамида рақобат муносабатлари ривожланади. Лизингнинг сотиш функцияси лизинг мулкани ишлаб чиқарувчи (лизингга олувчига етказиб берувчи)га хос.

Юқорида келтирилган функциялардан ташқари лизингнинг яна бир қатор функциялари мавжуд бўлиб, улар 3-расмда келтирилган.

¹⁶ Лещенко М.И. Основа лизинга: Учеб. пособие ч-е изд. перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2004. Б. 24.

1.2. Республикамизда лизинг хизматларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Лизинг механизмининг юқори самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири лизинг хизматлари бозори чегараларини белгилашда ишончли ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир. Мамлакатимизнинг лизинг муносабатлари шаклланишининг дастлабки босқичида лизинг бўйича қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланмаганлиги кузатилган.

Кейинги босқичда лизинг операциялари махсус меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларсиз худди ижара муносабатларидек олиб борилган. Бу эса лизинг жараёни иштирокчиларининг риск даражасини оширган. Сўнгги босқич лизинг келишувларининг махсус ҳуқуқий базасини фаол яратилганлиги билан тавсифланади.

Маълумки, Республикамизда лизинг муносабатлари институтларини шакллантириш 1995 йил, яъни лизинг операцияларини олиб бориш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингунича бошлаб юборилган эди. Мамлакатимизда ҳозирги кунда ички лизинг битимларининг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда аввало Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Лизинг тўғрисида»ги қонун (1999 йил 14 апрель)дан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (588-модда)га мувофиқ ишлатилмай турган ҳар қандай ашё лизинг объекти бўлиши мумкин, аммо у тадбиркорлик фаолияти учун яроқли бўлиши керак. Ер майдони ва бошқа табиий объектлар бундан мустасно. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида лизинг объекти кенг талқин этилмаган. Бу кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни (3-моддаси)да бартараф этилиб, лизинг объектига қуйидагича таъриф берилган:

«Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган хар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый мажмуалар, биналар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин. Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас». Лекин бу ерда ҳам муомалада таъқиқланган ёки муомаланинг алоҳида тартиби белгиланган кўчар ёки кўчмас мулклар қайд этилмаган.

Лизинг бизнесининг ўзига хос хусусияти ҳам лизинг битимининг таъминланишида лизинг объектининг муҳим аҳамиятга эгалигидадир. У лизинг шартномасининг бутун муддати мобайнида лизингга берувчининг мулки бўлиб қолади. Агар олинаётган мулк лик видли бўлмаса, лизингга берувчи тўлов қобилиятининг мавжуд бўлмаслик рискининг олдини олиш ёки пасайтириш учун лизинг битимининг таъминланишини талаб этиш лозим. Лизинг битимини таъминлаш қимматли қоғозлар топшириқнома, банк ёки бошқаларнинг кафолати каби турларда бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонунда лизинг объекти билан боғлиқ рисклар кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу рисклар қандай ҳолатларда лизингга олувчи ёки лизингга берувчи зиммасида бўлиши батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг субъектларига таъриф берилган бўлиб, унга кўра лизингга олувчи деганда лизинг объектини ўз тасарруфи ва фойдаланишига олувчи шахс тушунилади, лекин гарчи лизинг объектини вақтинча фойдаланиш ҳамда сублизингга учинчи шахсга лизингга берувчининг ёзма розилиги билан беришга рухсат берилса-да, лизингга олувчининг лизинг мулкини қисман тасарруф этиш ҳуқуқи ифодаланмаган.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги мавжуд қонунчиликда лизинг тўловлари хусусидаги фикрларга эътибор қаратамиз. Ўзбекистон Республикаси

Фукаролик кодекси (590-моддаси)да «лизинг тўлови лизингга берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолда келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизингга берувчининг даромадидан иборат бўлади». Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни (22-моддаси)да ҳам лизинг тўловига шундай таъриф берилган бўлиб, ушбу таърифлардан келиб чиқиб лизинг тўловлари жаҳон тажрибасига тўлиқ мос келишини ва қуйидаги унсурлардан ташкил топишини айтиш мумкин.

1) лизинг битимини амалга ошириш учун лизингга олувчи жалб этадиган кредит ресурслари учун тўлов;

2) лизинг мулки амортизацияси;

3) комисион мукофот;

4) риск мукофоти;

5) лизингга берувчи лизингга олувчига кўрсатган қўшимча хизмати учун тўлов;

6) агар лизинг объекти лизингга берувчи томонидан суғурталанган бўлса, унга лизинг мулкани суғурталагани учун тўлов.

Шуниси ҳам муҳимки, қонун лизинг шартномаси тарафларига лизинг тўловлари миқдори ва даврийлигини ўзлари белгилаш ҳуқуқини беради.

Шартномада ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда лизинг тўловларининг ҳар қандай қулай жадвали кўрсатилиши мумкин. Масалан, ғалла ўриш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари лизинг тўловлари асосий қисмини фақатгина июль, август ва сентябрь ойларида мумкин ва ҳ.к.

Лизинг бизнеси доирасини кенгайтириш мақсадида «Лизинг тўғрисида»ги қонунда лизинг объектининг жадаллаштирилган амортизацияси қўллаш имконини ошириш керак. Лизинг шартномаси қатнашчиларининг ўзларига амортизация ставкасини табақалаштириш имконини бериш ҳамда

қонунчиликдаги амортизациянинг меъёрдан ортиқ миқдорини солиққа тортиладиган базага қўшмаслик лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонунда халқаро лизингни ривожлантириш, солиққа тортиш бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, инвестиция фаолиятини суғурталаш, хорижий лизингга берувчиларнинг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида лизинг самарадорлигини баҳолаш усулларига алоҳида эътибор қаратиб, уларни иложи борида алоҳида моддаларда ифодалаш лозим.

Мамлакатимизда ҳам лизинг хизматларини махсус равишда ривожлантириш учун ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар лизинг инфраструктурасини янада такомиллаштириш асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2002 йил 28 августда қабул қилинган «Лизинг фаолиятларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3122-сонли Президент Фармони мамлакатимиз лизинг секторини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келган ва лизинг операцияларини солиққа тортишдаги муаммоларни бартараф этишга кенг имконият яратиб берди. Фармонга биноан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

- * лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- * лизинг бериш учун Ресубликамиз ҳудудига олиб келинадиган технологик ускуналар вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган ҳолда, божхона тўлови ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилди.

- * лизингга берувчининг солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади;

- * лизингга олувчи лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача лизингга бериладиган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинди.

Лизинг операцияларини солиққа тортиш жараёнини ўрганишда мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Солиқ кодексининг 134-моддасига биноан асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижара (лизинг)га беришдан олинadиган даромад лизингга берувчининг фоизи даромади бўлиб ҳисобланади.

Кодекснинг 129-модда 13-бандига мувофиқ, лизингга берувчи лизинг туловининг қисми тарикасида олган объект қийматининг қопламаси лизингга берувчининг даромади сифатида қаралмайди.

Шунингдек «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги» 3932-сонли Президент фармонида асосан ташкиллаштирилган ихтисослаштирилган лизинг компаниялари махсус сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларини ҳамда сувдан фойдаланувчилар уюшмасини мелиорация техникаси билан таъминланганда беш йил муддатга қуйидаги тўловлардан озод этилмайди:

- мелиорация техникасини етказиб беришни молиялаштириш манбаларини янада ошириш мақсадида ажратилаётган маблағларни умумдавлат ва маҳаллий солиқларидан;

- лизинг асосида келтирилаётган мелиорация техникасини божхона тўловларидан (божхонани расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлардан ташқари).

Маълумки, Солиқ Кодексининг 199-моддаси 3-бандида мол-мулкни молиявий ижара (лизинг) га бериш товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш аборооти деб эътироф этилади ҳамда ҚҚС га тортилади деб баён қилинган. Кодекснинг 204 моддасига асосан, мол-мулк молиявий ижарага, шу 41 жумладан лизингга берилган тақдирда, солиқ солинадиган база ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади. Молиявий ижара (лизинг) шарномасининг ижарага берувчи

(лизинга берувчи)нинг фоиз тарикасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар ҚҚС дан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига киради.

Объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми сифатида қоплаш товар (иш, хизмат)ларини реализация қилиш обороти бўлиб ҳисобланмайди ва ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҚҚС га тортилмайди.

Солиқ кодексида лизинг операцияларидан ягона солиқ тулови қуйидаги ҳолда амалга оширилади, яъни мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га берувчи юридик шахслар учун молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси товар фоизли даромад суммаси товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушган тушум сифатида эътироф этилиб, солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига киритилади. Объект қийматининг ижарага берувчи (лизинга берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши эса солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Кодекснинг 313-моддасига эътибор берсак, асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси:

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига;
- Республика йўл жамғармасига;
- Мактаб таълими Фондига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси булиб ҳисобланади. Агарда мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га бериш асосий фаолияти бўлмаса, бундай юридик шахслар юқорида номлари мақсадли фондларга тўловларни амалга оширмайдилар.

Лизингга берувчилар автотранспорт воситаларини қуйида келтирилган бандларда кўрсатилган:

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъминлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл

хўжалик бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланадиган автотранспорт воситалари бўйича;

- фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари - йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича;

- қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, олинган қон автосамосваллари бўйича юридик шахсларга лизингга бериш учун автотранспорт воситаларини олганда ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганда Республика йўл фондига мажбурий йиғимлардан озод қилинади.

Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим, улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда (юқоридаги ҳолатлардан ташқари) тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизингга берувчидан ёки лизингга олувчидан ундирилади. Лизингга берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизингга олувчидан ундирилади. Лизинг шартномасининг муддати тугагандан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди.

Бундан ташқари, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга олинган мол-мулкнинг қийматига камайтирилади.

Лизинг тўловлари суммаси лизингга олувчининг харажатлари бўлиб, улар ялпи тушум солиғини ҳисоблаганда чегириб ташланади.

Ялпи тушум солиғини аниқлаётганда солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи

билан 25 фоизи миқдорига камайтиради. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади.

Демак, юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, киритилган ўзгартиришлар лизингнинг инвестицион моҳиятини англатади.

Бу ўзгартиришлар Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришнинг мустаҳкам заминини яратиб берди. Булар асосида эса, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун лизинг қулай ҳамда нисбатан жалб этувчан молиявий восита сифатида хизмат қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди.

Маълумки, республика тижорт банклари ҳам бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган лизинг операцияларининг фаол иштирокчиларидир.

Улар томонидан бажарилаётган лизинг амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 20 июлда 776-сон билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида тартибга солинмоқда.

Ушбу Низом бугунги кунда республикадаги амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 2516-сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низоми ҳам тижорат банкларида лизинг операцияларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари жумласига киради.

Республикамизда лизинг муносабатларини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар ва имтиёзлар яратиш ҳамда унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларини халқаро андозалар талабаларига мослаштириш мақсадида янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2004 йил 26 апрелда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 199-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 74-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Низом бухгалтерия ҳисобида лизинг ва ижара операцияларини акс эттиришнинг ягона услубий асосини белгилаб беради.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, лизинг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг самарали шакли сифатида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам янгиланиб туриши лозим.

1.3. Лизинг корхона молиявий ресурсларини сафарбар

этишнинг замонавий шакли

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач республика ва халқимиз манфаатларига мос келадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу сиёсатнинг устувор йўналиши бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда намоён бўлади. Ўз набатида бозор иқтисодиёти кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб этади. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари И.Каримов ўз чиқишларида бозор муносабатларининг асосини ташкил этадиган кичик ва ўрта бизнес ривожланишига мос равишда боғлиқ бўлган бозор инфратузилмасини, яъни суғурта, аудиторлик, консалтинг ва лизинг ташкилотларини тузиш заруриятини, ушбу инфратузилмаларга эга бўлмай туриб бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар.

Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастакни ўзида намоён этади.

90-йилларнинг биринчи ярмида бозор ислохотлари натижасида банк, кредит муассалари ва корхоналар илгари иқтисодиётимизда қўлланилмаган кўпгина молиявий дастаклардан фойдалана бошладилар. Айнан шу йилларда лизинг тузилмаларини фаол ташкил этиш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бошланди.

1995 йилда мамлакатимиздаги дастлабки лизинг компанияси «Ўзбекинтернешнл» АЖ, 1996 йилда Осиё-Европа траст компанияси (ОЕТК), «Барака» универсал лизинг компанияси ОАЖ, 1997 йилда «Ўзкейсагролизинг» кўшма корхонаси ва «Ўзавиализинг» акциядорлик лизинг компаниялари сингари миллий ва кўшма корхоналар ташкил этилди. Бу лизинг тузилмаларини шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланилди.

Республикамизда дастлабки ташкил этилган лизинг компанияларининг ҳаммаси «Барака» лизинг компаниясидан ташқари ҳукумат қарори билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва нобанк молия институтларининг кейинги ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган эди.

Бу лизинг компаниялари ҳар бири ўзларининг мўлжалланган бозорига эга бўлиб, улар бир-бирини такрорламаган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатимизда лизинг муносабатларини ривожлантириш ва кенг йўлга қўйиш учун хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, турли таҳликаларнинг олдини олиш, қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш каби муаммоларни қўяди. Ҳозирги пайтда республикамизда лизинг олувчи субъектлар етарли даражада бўлганда, асосий вазифа сифатида лизинг инфраструктурасини ривожлантириш эътироф этилмоқда. Бунинг учун аввало Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида лизинг инфратузилмаси ташкил этилиши лозим. Лизинг компанияларининг фаолият юритиши учун қулай иқтисодий муҳит яратиш, биринчи навбатда лизинг фаолиятини солиққа тортишнинг олдини олиш, қўшилган қиймат

солиғини бекор қилиш, хориждан келтириладиган ускуналар агарда лизинг асосида келтирилса, бож тўловларидан озод этиш каби муаммолар ўтиш даврининг асосий муаммоларидан бўлган. Ҳозирги босқичда лизинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида лизинг компаниялари учун солиқ имтиёзларини яратиш, тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш имкониятларини лизинг компанияларининг ўзларига ҳавола этиш, амортизация муддатларини аниқлашда ҳамда амортизация ажратмаларини ишлатишда эркинликлар яратиш асосий масалалардир. Умуман олганда, лизинг тармоғини ривожланиши иқтисодий ривожланишга бир неча йўналишлар бўйича таъсир қилади:

- лизинг кичик ва ўрта бизнеснинг келгусидаги ривожланишига таъсир этади, чунки қандайдир сабабларга кўра бошқа молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналарга ўзининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва модернизация қилиш имкониятини яратиб беради;

- лизинг узоқ муддатли молиялаштиришнинг қўшимча тури бўлиб, у капитал қўйилмалар ҳажмини оширади;

- лизинг молиявий хизмат кўрсатиш бозорида қўшимча рақобатни вужудга келтиради;

- лизингнинг пайдо бўлиши билан молиялаштириш нархи пасайиб, молиявий хизмат бозори кенгаяди. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда лизинг кўп вақт давомида асосий воситалар харид қилиш учун кредит ўрнига муқобил восита бўлиб хизмат қилган ҳолда, корхоналарга банк олдидаги қарздорлигини кўпайтирмаслик имкониятини яратади;

- лизинг ускуналарнинг сотилишига ёрдам беради. Лизингнинг пайдо бўлиши ускуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий компанияларга ўз ускуналарини сотиш учун янги имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, макро даражадаги лизинг орқали қилинаётган кенг тармоқли чет эл инвестициялари мамлакат тўлов балансининг пассивига таъсир қилмайди ва қарздорнинг жаҳон бозоридаги рейтингини ёмонлаштирмайди,

чунки жаҳон валюта фондининг тартибига кўра лизингдан келиб чиқадиган мажбуриятлар давлатнинг ташқи қарздорлик ҳажмига қўшилмайди. Шунинг учун кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат томонидан лизинг қўллаб-қувватланади.

2011 йилдаги лизинг бозори ҳолатининг таҳлили ҳам Ўзбекистонда лизинг соҳаси барқарор ўсиш йўлидан бораётганлигини кўрсатади. Чунончи, 2011 йил натижаларига кўра, бу соҳада ўсиш 32,2 фоизни ташкил қилди. Лизингга берилган мулк ҳажми 2010 йилга нисбатан 54,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кенгайди ва 224,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (2-жадвал).

Маҳаллий манбалар ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида лизинг улуши 2011 йилда ЯИМга нисбатан лизинг улуши 0,5 пунктга ўсди ва 0,81 фоизни ташкил қилди.

2-жадвал

Лизинг орқали асосий воситаларга инвестициялар¹⁷

Йиллар	Лизингга берилган мулк қиймати, млн. АҚШ долл.	Асосий воситаларга инвестициялардаги лизинг улуши, фоизда	ЯИМдаги лизинг улуши, фоизда
2006	37,9	2,67	0,37
2007	43,4	2,37	0,36
2008	81,5	3,72	0,60
2009	107,6	4,22	0,63
2010	169,7	3,91	0,76
2011	224,6	4,18	0,81

2010 йил якунларига кўра, лизингга берилган мулк қиймати 2009 йилга нисбатан 62,1 млн. АҚШ долларига ўсди ва 169,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (ўсиш - 57,7 фоиз). Бу эса, Ўзбекистонда лизинг тармоғи жадал ўсаётганининг яққол далилидир. Бу жараённинг яна бир исботи сифатида лизинг бозорида рақобатнинг кучаяётгани ва «кучлар тенглашаётганлиги»ни кўрсатиб

¹⁷ Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

ўтиш мумкин. 2004 йилгача юртимиздаги энг йирик лизинг берувчи - «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси бошқа барча лизинг берувчиларнинг умумий кўрсаткичларидан кўра юқорироқ кўрсаткичга эга эди. Аммо, тегишли меъёрий хўжжатларнинг қабул қилиниши ва лизинг хизматлари учун кўплаб имтиёзлар яратилиши бозорга янги иштирокчиларни жалб қилди ва тармоқ структураси йилдан-йилга ўзгарди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августда қабул қилинган "Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лизинг бозори ривожига туб бурилиш ясади. Ушбу фармонга мувофиқ лизинг хизматлари меъёрий базасининг такомиллашуви, шунингдек, "Лизинг ҳақида"ги Қонунга, Фуқаролик ва Солиқ кодексларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар лизингга берувчи учун ҳам, лизингга техника олиш ниятидаги тадбиркорлар учун ҳамқатор енгилликлар яратди. Бинобарин, лизинг бозоридаги энг йирик иштирокчи – ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанки» компаниясининг салмоғи камая борди ва 2010 йилда 22 фоизга тушди.

3-жадвал

Лизинг бозоридаги иштирокчилар улушлари¹⁸

	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Лизинг компаниялари						
- мулк қиймати, млн. АҚШ долл.	30,5	33,1	59,3	57,3	85,1	96,7
- улуш	80,5%	76,3%	72,7%	53,3%	50,1%	52,4
Банклар						
- мулк қиймати, млн. АҚШ долл.	6,7	10,2	19,2	46,4	80,2	88,4
- улуш	17,7%	23,5%	23,6%	43,1%	47,3%	51,3
Бошқалар						
- мулк қиймати, млн. АҚШ долл.	0,7	0,1	3,0	3,9	4,4	6,2
- улуш	1,8%	0,2%	3,7%	3,6%	2,6%	3,2
Жами:	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7	173,6

Буни янги лизинг компаниялари юзага келгани, банк тизимида лизинг амалиётларининг кўпайгани ва кредит уюшмаларининг ҳам лизинг хизматлари кўрсата бошлагани билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, 2009 йилда 33 та лизингга берувчи фаолият юритган бўлса, 2011 йил 1 январ маълумотларига кўра лизинг бозорида 49 компания мавжуд бўлди. Шулардан 42 та лизингга берувчи, жумладан 17та лизинг компанияси, 17 та банк ва асосий фаолияти лизинг билан боғлиқ бўлмаган 8 та компания фаол иш олиб борди (3-жадвал).

2011 йил якунларига кўра, лизинг бозорининг ярми (52,4 фоиз) лизинг компанияларига тегишлидир. Улар томонидан 2010 йилдагига нисбатан 13,6 фоиз кўпроқ, умумий қиймати 96,7 млн. АҚШ долларига тенг мулк лизингга берилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бу тенденцияни асло лизинг компанияларининг суст фаолияти, деб изоҳлаб бўлмайди. Аксинча,

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллиф томонидан тахминлаштириш йўли орқали мустақил ҳисоблаб чиқилган.

уларнинг анча фаоллашувини қайд этган ҳолда, кейинги йилларда тижорат банкларимиз ҳам лизинг хизматларига катта эътибор қараётганини таъкидлаш ўринли. Бинобарин, мутахассислар фикрига кўра, лизинг компаниялари улушининг камайиши ҳам тижорат банклари ҳиссаларининг 2006 йилдан буён мунтазам ошиб бориши туфайли рўй берди. Чунончи, 2011 йилнинг ўзида банклар лизингга берилган мулк ҳажмини қарийб икки баробарга оширишга эришдилар.

2006 йилдаёқ банклар томонидан лизингга берилган мулк умумий қиймати 6,7 млн. АҚШ долларини ташкил қиларди. 2011 йилда эса, бу кўрсаткич 13 баробарга ошиб, 87,1 млн. долларга етди. Фоиз кўрсаткичида банклар томонидан лизингга берилган мулк улуши 2006 йилда 17,7 фоизни ташкил қилган эди. 2011 йил охирларига келиб эса, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,9 баробарга ортди ва 51,3 фоизга етди. 2011 йил якунларига кўра, лизингга берилган мулклар таркибида қишлоқ хўжалиги техникаси асосий ўринни эгаллайди. Ҳолбуки, кейинги йилларда унинг улуши сезиларли даражада камайди. Қиймат кўринишида лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаси ҳажми 61,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлди, бу бозорнинг 36 фоизи демакдир (2011 йилда унинг умумий лизинг объектлари ҳажмидаги улуши 57 фоизни ташкил қилганди) (4-жадвал).

Лизингга берилган мулк турлари

	2007		2008		2009		2010		2011	
Жихоз/мулк тури	Би тим сони	Қий мати, млн. АҚШ долл.	Би тим сони	Қий мати, млн. АҚШ долл.	Би тим сони	Қий мати, млн. АҚШ долл.	Би тим сони	Қий мати, млн. АҚШ долл.	Би тим сони	Қий мати, млн. АҚШ долл.
Енгил саноат учун	26	05	4	2,2	38	5,6	91	6,4	120	8,6
Озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун	46	3,4	34	4,0	27	2,6	51	3,8	71	5,2
Полиграфия	5	0,9	9	3,3	30	3,6	22	1,0	29	1,6
Қурилиш ва қу рилиш моллари ишлаб чиқариш учун	16	1,2	62	10,6	49	5,9	117	17,8	101	22,1
Бошқа ишлаб чиқариш жиҳозлари	30	0,9	53	2,8	5	0,2	6	0,3	7	0,4
Савдо	22	0,03	125	0,2	10	0,6	3	0,05	3	0,05
Тиббиёт	10	0,2	10	0,9	27	0,9	39	1,8	43	2,2
Компьютер, оргтехника	52	0,8	36	1,3	28	1,0	50	0,5	61	1,2
Қ/Х техникаси	2493	30,5	3422	46,1	5022	61,3	3815	61 1	4280	69,7
Юк автотранспорти	2	0,2	10	0,9	24	1,7	57	6,4	61	8,6
Йўловчи авто- транспорти	80	1,6	242	5,5	274	7,1	701	29,4	811	41,8
Кучмас мулк, мулкый мажмуа	16	2,7	38	2,4	49	8,9	67	16,0	81	21,0
Бошқалар	12	0,4	33	1,3	47	8,2	88	25,1	102	57,2
Жами	2810	43,4	4078	81,5	5630	107,6	5107	169,7	5830	219,6

Манба: Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Лизингга берилган асосий воситаларни таҳлил қилганда кўриш мумкинки, лизинг олувчиларда йўловчи автотранспортига талаб 2010 йилга нисбатан анча ўсди. Чунончи, ушбу турдаги мулк бўйича амалиётлар ҳажми 17 фоизни ташкил қилди.

Дарҳақиқат, юртимизда йўловчи автотранспорти лизинги энг тез ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин – 2010 йилда бу соҳада жами 274 та битим имзоланган бўлса, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич ўртача

3,0 баробарга ўсди ва 701 тани ташкил қилди. Автолизинг билан шуғулланувчи етакчи компаниялардан бири – "Ўзавтосаноат" АК ва "Асака" ДАТ банки таъсис этган "Ўзавтосаноатлизинг" компанияси фаолияти бунга мисол бўла олади. Компания маҳаллий ишлаб чиқарувчи – "СамАвто" корхонасида чиқарилган мидибуслар ва юк машиналарини лизингга бериш билан шуғулланади. Ўтган йилда компания томонидан умумий қиймати 26 млрд. 105,2 млн. сўмлик жами 134 та битим тузилган бўлиб, унинг 92 фоизи (109 та битим) айнан йўловчи автотранспорти ҳиссасига тўғри келади. Компания лизинг хизматларининг минтақалар бўйича етарлича диверсификациялангани барча минтақаларда йўловчи ташиш хизматларини модернизациялашга хизмат қилади. Чунончи, "Ўзавтосаноатлизинг" ЛК Тошкент шаҳри ва вилоятига 317 дона, Андижон вилоятига – 99 дона, Қорақалпоғистонга 67 дона йўловчи ва юк автотранспортларини лизинг асосида етказиб берган. Компаниянинг лизинг битимлари портфели эса, 2010 йил охирига 17891,4 млн. сўмни ташкил қилди. Бундай ижобий натижаларни бошқа лизинг берувчилар фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш жиҳозлари улуши эса, 2010 йилдаги кўрсаткич даражасида қолди - 17 фоиз. Аммо бу турнинг ички тузилмасида катта ўзгариш рўй берди – қурилиш моллари ишлаб чиқариш техникаси улуши 6 фоиздан 10 фоизгача ортиб, полиграфия жиҳозлари салмоғи 3 фоиздан 1 фоизга тушиб қолди.

Лизингга тобора кўпроқ юқори қийматли мулклар олинаётгани битимларнинг ўртача қийматига ўз таъсирини кўрсатди. Шу сабабли бу кўрсаткич ўтган йиллардагига қараганда анча ошди ва 33,2 минг АҚШ долларига етди (лизинг битимларининг ўртача қиймати 2008 йилда 20 минг ва 2009 йилда 19,5 минг АҚШ долларига тенг эди). Аммо шуни ҳам қайд этиш керакки, бу кўрсаткич турли лизинг берувчиларда турлича бўлиб, бир-биридан кескин фарқ қилади. Чунончи, «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.О.», Asaka-Trans-Leasing - лизинг компаниялари ҳамда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», Credit Standart UZ

KDB Bank ва «Алп Жамол» банклари ўртача қиймати 230 минг АҚШ долларига тенг лизинг битимларини амалга оширдилар. «Алоқабанк» нинг 2011 йилдаги лизинг амалиётлари ўртача қиймати эса қарийб 3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган лизинг амалиётларининг ўртача муддати уч йилни ташкил қилади¹⁹.

Лизинг компаниялари амалиётларни асосан ўз маблағлари ҳисобидан молиялайдилар, шунингдек кредитлар ҳам жалб қиладилар. ХМК берган маълумотларга кўра, 2011 йилда 20 та лизинг компаниясидан фақат учтасигина кредитдан фойдаланмаган. Олинган кредитларнинг лизингга берилган мулкнинг умумий қийматидаги улуши 21 фоизни, жалб қилинган кредитлар бўйича қарздорлик қолдиги эса, йил охирига 16 фоизни ташкил қилди²⁰.

Банклар ва бошқа лизинг берувчилар фақат ўз маблағларидан фойдаланадилар. Лизинг компаниялари ва банклардаги лизинг операциялари бўйича фоиз ставкалари айтарли фарқ қилмайди. Ставкаларнинг катталиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасига боғлиқ бўлиб, лизинг битимлари қайси валютада амалга оширилаётганига қараб ўзгаради. Айтиш керакки, фақат 19 та лизинг берувчигина битимларни ҳам миллий валютада, ҳам ЭАВда амалга оширди. Миллий валютадаги битимлар бўйича ставкалар ўртача 14 фоиздан 25 фоизгача бўлди. ЭАВ даги битимлар бўйича эса (бунда лизинг предмети импорт қилинади ва нархи ЭАВда белгиланади, лизинг тўловлари эса, миллий валютада, Марказий банкнинг тўлов кунидагиси бўйича тўланади), 12-20 фоизни ташкил қилди²¹.

Лизинг олувчиларга бўлган талабларга тўхталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, лизингга берувчилар уларнинг мулкчилик шаклига катта талаблар

¹⁹ Ж.Р. Зайналовг «Лизинг ва лизинг операциялари». Т.: Билим, 2010 й.

²⁰ Проф. Ж.Р. Зайналовнинг «Лизинг ва лизинг операциялари» фанидан маъруза матни материаллари. 2008 й.

²¹ Ўша манбада, 45-б.

кўймайдилар. Бирок, банклар одатда фақат юридик шахсларга лизинг хизмати кўрсатадилар ва ўз мижозларига кўпроқ эътибор қаратадилар.

Бўнак тўлови лизинг объекти ўмумий нархининг 20 ва ундан юқори фоизини ташкил қилади.

Аввалги йиллардаги каби, энг кўп битимлар Тошкентда тузилди. Айтиш керакки, 2009 йилга солиштирганда Тошкентда тузилган битимлар улуши 24 фоиздан 43 фоизга кўтарилди. Буни мутахассислар пойтахтда бир қанча янги компаниялар ташкил этилгани ва улар ҳали минтақаларда филиалларини очиб улгурмаганлиги билан изоҳлайдилар. 20 та лизинг компанияларидан фақат тўрттаси лизинг битимларини юртимизнинг барча минтақаларида амалга оширади. Булар «Қурилишлизинг», «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.», «Ўзавтосаноатлизинг» ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»дир.



**4-расм. Битимларнинг минтақалар бўйича тақсимланиши²²,
(лизингга берилган мулк қиймати бўйича)**

²² Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Минтақаларга кириб боришда банкларимиз устуворликка эгадирлар. Уларнинг кенг филиаллар тармоқлари чекка жойлардаги тадбиркорларга ҳам лизинг хизматини кўрсатиш имконини беради. Шу боис айтиш мумкинки, банклар бу борада бошқа иштирокчиларга қараганда кўпроқ имкониятларга эгалар (4-расм).


2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили» деб эълон қилиниши қишлоқ хўжалигида ҳам лизинг инфраструктурасини янада кенг тараққий эттиришни талаб этади. Шунга асосан давлат статистика қўмитасининг берган маълумотига кўра 2010 йили республикада 209276 та қишлоқ хўжалиги (ёки унга тенглаштирилган) корхонаси мавжуд бўлиб, шундан 207 тасини фермер хўжаликлари, 184 тасини «Ўзағромашсервис» уюшмаси тизимидаги машина-трактор парклар (МТП АЖ), 1500 донасини муқобил машина-трактор парклар (ММТП), 400 тасини ширкат хўжаликлари, 192 тасини «Ўзкимёсаноат» ДАК тизимидаги вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари ва унинг туман бўлинмалари ташкил этади²³.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра республикада асосий 36 турдаги 302460 дона қишлоқ хўжалиги техникалари ишлатилмокда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддаси («Амортизация бўйича чегирмалар»)га мувофиқ, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари учун йиллик 15 фоизлик амортизация нормаси белгиланган. Демак, ҳар йили қишлоқ хўжалиги техникалари сонининг 15 фоизи эскирган техника сифатида ҳисобдан чиқарилиб, ўрнига янгисини сотиб олиниши керак бўлади. Агар қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий тўлов қобилиятининг пастлиги ҳамда асосий воситаларни янгилашда лизингни энг қулай усул эканлиги эътиборга олинса, у ҳолда қишлоқ хўжалиги учун ҳар йили керак

²³ «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. №3, март, 2011 й.

бўладиган 15 фоиз миқдоридаги янги техникаларнинг ҳаммаси (ёки асосий қисми)ни лизинг асосида етказиб берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Юқорида баён этилган йиллик амортизация нормасидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий воситаларининг 15 фоизлик қисмини лизинг механизми асосида янгилаш учун бир йилда янги техникаларни сотиб олиш (лизингга олиш) га бўлган эҳтиёжни ва ушбу техникаларни заводдан сотиб олиниши учун лизинг жараёнини молиялаштиришга керак бўладиган молиявий маблағ миқдорини таҳлилий усул билан ҳисоблаб топамиз. Эскирган 15 фоиз ҳажмдаги техникаларни янгилаш учун талаб этиладиган маблағни ҳисоблаб топишда шартли равишда ушбу техникаларнинг бозор нархи асос қилиб олинди.

Демак, Республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарининг янги қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган ва йиллик амортизация нормасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган йиллик эҳтиёжи 858185,0 млн. сўм қийматдаги 45369 дона техникага тенг экан.



***Республикадаги мавжуд барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари умумий қийматининг 15 фоизлик қисми (йиллик амортизация нормаси) техникага бўлган йиллик эҳтиёж қиймати сифатида қабул қилинган**

5-расм. Асосий 36 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига йиллик эҳтиёж ва реал эҳтиёжларнинг ўзаро нисбати²⁴

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси ва ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанки» дан олинган маълумотларга кўра, ушбу ташкилотлар тизимидаги техника ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида республика бўйича 117,6 млрд. сўмлик қийматдаги 16998 дона техника етказиб берилиши бўйича ўзаро шартномалар тузилган. Бу қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган йиллик реал эҳтиёж бўлиб, йиллик амортизация нормаси бўйича ҳисобланган эҳтиёжнинг 13,7 фоизига тенгдир (5-расм).

Реал эҳтиёжнинг бундай паст кўрсаткичга эга эканлиги авваламбор қишлоқ хўжалиги техникалари нархининг кейинги 5 йил ичида жўда тез суръатларда ўсиб кетганлиги билан изоҳланади. Масалан, пахтачиликда асосий техника ҳисобланган ТТЗ-80.11 русумли чопиқ трактори 1 донасининг нархи 2004 йилдаги 4800,0 минг сўмдан 2009 йилда 21 600,0 минг сўмга етган ёки беш йилда техника нархи 4,5 марта ошган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигига қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ва етказиб берувчи ташкилотлар томонидан жами 109,0 млрд. сўмлик қийматдаги 15172 дона техника таклиф этилган ёки таклиф миқдорий йиллик амортизация нормаси бўйича ҳисобланган эҳтиёжнинг 12,7 фоизига тенгдир.


Республика бўйича 117,6 млрд. сўмлик қийматдаги қишлоқ хўжалиги техникасига эҳтиёж бўлгани ҳолда, уларга бозордаги таклиф 109,1 млрд. сўмга, молиявий таъминланган талаб эса 94,4 млрд. сўмга тенг бўлган, шундан 28,3

²⁴ «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. №3, март, 2011 й. 29-31-бетлар.

млрд. сўмлик техника тўлиқ қийматда сотилган, 66,1 млрд. сўмлик техника эса лизинг асосида сотилган, 14,7 млрд. сўмлик қийматдаги техникалар эса қолдик товар сифатида омборхонадан жой олган (6-расм).

Мазкур бўлимда баён этилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддаси (Амортизация бўйича чегирмалар)га мувофиқ, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари учун йиллик 15 фоизлик амортизация нормаси белгиланган. Ушбу норма даражасида қишлоқ хўжалиги техникалари 15 фоизлик қисмини янгилаш учун 853185,0 млн. сўм қийматдаги 45369 дона техникага йиллик эҳтиёж мавжуд (6-расм).




A – техникага бўлган реал эҳтиёж; B – техникани сотиш (лизингга бериш) таклифи; D – молиявий таъминланган талабнинг техникани тўлиқ қийматда сотиш орқали қопланган қисми; C – молияви таъминланган талабнинг техникани лизингга бериш орқали қопланган қисми; E – молиявий таъминланмаган талаб.

6-расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалиги техникасига тушган талаб миқдори ва талабнинг қондирилиши тузилмаси²⁵, (млрд.сўм)

²⁵ «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. №3, март, 2011 й.

2. Республика қишлоқ хўжалигига бир йилда 109,1 млрд. сўмлик қийматдаги техникани сотиб олиш (лизингга олиш) таклиф этилмоқда (7-расм). Бу қишлоқ хўжалиги техникаларига амортизация нормаси бўйича ҳисобланган эҳтиёжнинг 12,7 фоизига тенгдир.

3. Республика бўйича қишлоқ хўжалигига етказиб берилган техника қиймати (молиявий таъминланган талаб) 94,4 млрд. сўмга тенг бўлган, бу эса, қишлоқ хўжалиги техникаларига амортизация нормаси бўйича ҳисобланган эҳтиёжнинг 11,0 фоизига тенг деганидир (7-расм). Демак, ҳозирги вақтда республика бўйича қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжнинг 11 фоизлик қисмигина талаб билан қопланмоқда. Эҳтиёжнинг юқори бўлгани ҳолда талаб миқдорининг бундай камлиги, авваламбор қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлов қобилиятининг пастлиги билан изоҳланади.



7-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги техникасига нисбатан бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати²⁶

4. Республика бўйича қишлоқ хўжалигига етказиб берилган техника қиймати (молиявий таъминланган талаб)нинг 66,1 млрд. сўмлик қисми лизинг

²⁶ «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. №3, март, 2011 й. 29-31-бетлар.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”да корхоналарни молиялаштириш tizими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

“Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида” 1991 йил 25 июндаги ПФ-1750-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда унинг самарали фаолиятини ташкил этишни таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси №78-сонли қарори билан ташкил этган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистондаги етакчи универсал тижорат банкларидан бири ҳисобланади²⁷.

Мамлакатимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган:

- пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айирбошлаш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк депозитларига қўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада қолаётган молиявий маблағлар ва оқимларни банк айланмасига жалб этиш;

²⁷www.uzpsb.uz – ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг расмий сайти маълумотлари.

- тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

- тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг кўламда жалб этган ҳолда қўшма банклар ташкил қилиш;

- пул-кредит сиёсати воситаларини, жумладан лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

- тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш;

- тижорат банкларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик-тижорат банки Республикамиздаги бошқа тижорат банкларига нисбатан:

- молиявий мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш бўйича юқори қобилиятли;

- хизмат кўрсатиш инфраструктурасини шаклланганлиги нуқтаи-назаридан кенг қамровли хизмат кўрсатувчи;

– банк капитали даражаси юқорилиги, йирик банклар қаторида саналиши ва доим ишончли мижозлар доирасини кенгайтиришга қаратилган фаолиятни олиб борувчи банк сифатида тавсифланади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида лизинг муносабатлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг энг мақбул усули сифатида кенг қўлланилади. Мамлакатимизда эса лизингни ривожлантириш шакллари ва йўллари белгиланаяпти.

5-жадвал

Банк фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари, *млрд. сўм*

Кўрсаткичлар	01.01.2010 й.	01.01.2011 й.	Ўсиш суръатлари (% да)
Активлар	1061,1	1459,8	137,6
Мажбуриятлар	972,5	1292,2	132,8
Капитал	88,6	167,6	189,2
Фойда	18,1	23,1	127,6

Манба: ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2011 йил ҳисобот маълумотлари.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимида муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бироқ, кўплаб корхоналар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ҳамда техник янгиланишга кўп миқдорда молиявий воситаларни жалб қилишга қодир бўлмаган бир пайт, яъни иқтисодиётнинг кризис ҳолатида лизинг муносабатларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Лизингни ривожлантириш нафақат йирик маблағларни жалб этишни, балки ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга ҳамда барча мулкчилик шаклидаги маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек аввало инновацион тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳам имконият берувчи хусусий инвестицияларни жалб этишни таъминлайди.

6-жадвал

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг активлари тузилиши, млрд. сўм

	01.01.2011	01.01.2012
Нақд пул ва бошқа касса ҳужжатлари	29,4	31,1
ЎзР МБдаги пул маблағлари	98,6	202,1
Бошқа банклардаги маблағлар	159,5	113,1
Қимматли қоғозлар	10,6	10,9
Мижозларга соф ссудалар (факторинг ва лизинг операциялари ҳисобга олинмаган)	559,1	904,2
Соф инвестициялар	2,5	4,8
Асосий воситалар	30,0	30,9
Бошқа соф активлар	171,5	162,7
Жами:	1061,1	1459,8

Манба: ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2011 йил ҳисобот маълумотлари.

Бугунги кунда ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 350 тадан ортиқ хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатган. Улар орасида – UBS AG, Dresdner Bank AG, Deutsche Bank AG, CitiBank N.A., JP Morgan Chase, American Express Bank LTD, “Unistream bank” каби йирик банкларнинг борлиги, айниқса, эътиборлидир.

Шунингдек, молия бозорида рақобатни янада ривожлантириш, капитал инвестициялари ҳажмини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда лизингнинг ўрни бекиёсдир. Сўнгги йилларда кўпчилик тадбиркорлар айнан шу хизмат туридан фойдаланаётганлари бунга далилдир. Лизинг операциясининг лизингга олувчи ва лизингга берувчига фойдали эканлигини қуйидагича изоҳлаймиз.

Лизингнинг лизинг олувчи учун афзалликлари:

* лизингга олувчи тўлайдиган лизинг тўловларини харажатлари таркибида хисобга олади, бунда лизинг тўловларини тўлаш учун маблағлар солиққа тортиладиган фойда вужудга келгунигача шаклланади;

* лизинг объекти (мол-мулки) нинг ҳисоби ва амортизацияси лизингга олувчининг балансида амалга оширилади. Лизинг муддати, одатда, лизинг ашёси амортизация даврига мос келади, бироқ одатда лизинг контрактининг муддати қисқароқ бўлади. Лизинг муддати қанчалик кўпроқ бўлса ва тегишли равишда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати камроқ бўлса, шунчалик молмулкни ишлатиш шартлари ва ундан келгусида фойдаланиш эркинроқ бўлади;

* лизинг хусусий ва қарзга олинадиган маблағлар нисбатига таъсир этмайди, яъни лизингга олувчининг қўшимча қарз олиш имкониятлари камаймайди;

* лизинг объектини харид қилиш бўйича келишув тўлиқлигича лизинг берувчи томонидан молиялаштирилиши сабабли, лизинг олувчи ўзининг ликвид воситаларини бўшатиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун айланма капиталини катталаштириб олиш имкониятига эга бўлади. Шу тарзда, лизингга олувчи ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб олади, ускуналарга хизмат кўрсатишларга учрамасдан, замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

* лизинг тўловлари ускуналар ўрнатилиб, созлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилганидан кейингина тўлана бошлайди, бунда лизингга олувчи тўловни лизингга олинган ускуналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясидан тушган маблағлардан амалга ошириш имкониятига эга бўлади;

* лизингда аксарият ҳолларда лизингга олувчи объектини ўрнатиш ва созлаш ишларини лизингга берувчи зиммасида қолдирилган ҳолда, «фойдаланишга тайёр» кўринишда олади;

* лизингга олувчи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотишни кўзда тутган ҳолда, капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича ўз харажатларини назоратга олиш имкониятига эга бўлади, чунки лизинг тўловлари лизинг олувчининг

имкониялари ва хоҳишларини эътиборга олинган махсус ишлаб чиқилган жадвал бўйича амалга оширилади;

* лизингга олувчи шартнома амал қилиш муддати ичида лизингга олинган ускуналар учун мулк солиғини тўламайди. Лизингга олувчи лизинг муддати тугагач, ускуналарни қолдиқ қиймати бўйича, эскириш миқдорини чиқариб ташланган ҳолда ўз балансига қабул қилади;

* лизингга олувчи тўлайдиган лизинг тўловлари ҚҚС га тортилмайди.

Лизинг олувчининг даромадини солиққа тортиладиган базасини белгилашда ялпи даромаддан қуйидагилар чиқариб ташланади:

- лизингга олинган асосий воситаларнинг барча амортизация тўловлари суммаси,

- лизинг муддатидан қатъи назар, лизинг бўйича фоизлар.

Шу билан бир қаторда, лизингнинг лизингга берувчи учун ҳам бир қатор афзалликлари мавжуд. Булар қуйидагилар:

• лизинг 100 фоизли молиялаштиришни назарда тутди ва барча сумма тез қайтарилишини талаб қилмайди;

• лизинг лизингга берувчини молиялаштириладиган активларга бўлган эҳтиёжига аниқ мувофиқ бўлган ҳолда молиялаштиришни таъминлайди.

Бу нуфузли компаниялар оладиган қарз ёки қайтадан кредитланиш йўли билан қулай ва эгилувчан молиялаштиришни умуман қўллай олмайдиган майда кредит олувчилар учун айниқса қулай ҳисобланади. Лизинг келишуви ижарага олувчиларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши мумкин;

• кўпчилик лизингга олувчилар амалга ошириш мобайнида молиявий имкониятлари аҳамиятли даражада чекланган узоқ муддатли молиявий режаларга эга. Лизинг бундай чекловларни босиб ўтишга имконият яратади ва натижада инвестиция ва молиявий режалаштиришда кўпроқ тезкорлик билан иш юритишга ёрдам беради;

- лизингда активларни сотиб олиш ва молиялаштириш масалалари бир вақтнинг ўзида ҳал этилади;

- лизинг ёрдамида активларни сотиб олиш «молиялаштиришнинг олтин қоидаси»ни бажаради, унга мувофиқ молиялаштириш активдан бутун фойдаланиш муддати давомида амалга оширишши лозим. Агар активни сотиб олишда кредит капиталидан фойдаланилса, одатда,

- активни ишлатиш муддатига қараганда қарзни тезроқ қоплаш талаб қилинади;

- лизинг тўловлари аниқ белгиланган жадвал бўйича амалга оширилиши муносабати билан лизингга олувчи капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича харажатларни ва маҳсулот сотилишидан ва кўрсатилган хизматлардан тушумларни мувофиқлаштиришга кўпроқ имкониятга эга бўлади ва шу йўл билан ускуна сотиб олишга қараганда молиявий режалар кўпроқ барқарорлигини таъминлайди;

- лизингга берувчининг мулки ҳисобланган лизинг ашёси инвестицияланган маблағлар қайтарилишининг бир қисми ҳисобланганлигини инобатга олган ҳолда ушбу активларни сотиб олиш учун муқобил ссуда олишга қараганда лизинг бўйича контракт тузиш анча осонроқ;

- лизингга олувчи лизингдан фойдаланганида худди ушбу активни сотиб олганига қараганда кўпроқ ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши мумкин. Лизингга олувчи вақтинчалик бўшаган молиявий захираларни бошқа мақсадлар учун ишлатиши мумкин;


- лизинг узоқ муддатда ишлаб чиқариш маҳсулотини сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилиши муносабати билан, одатда, давлат сиёсати лизинг операцияларини рағбатлантириш ва кенгайтиришга қаратилган;

- лизингга олувчининг даромадлилиги кам бўлган ҳолатда у фойдани имтиёзли солиққа тортилишини олиш имкониятини яратувчи қайтариладиган

лизингдан фойдаланиши мумкин;

- контракт охирида лизинг ашёсининг юқори тугатилиш қийматини олиш имконияти кўпчилик ҳолатларда лизингга олувчилар томонидан лизингни қабул қилиш учун хал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барқарорлашувига шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланишида лизинг компаниялари алоҳида аҳамият касб этади.



8-расм. Лизинг бозорининг ривожланиши²⁸


Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий ислоҳатлар лизинг операцияларини янада ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда республикада 31 та тижорат банклари ва 40 та лизинг компаниялари томонидан лизинг операциялари амалга оширилмоқда. Фақатгина 2011 йилда улар томонидан 214508,0 млрд. сўмлик (169,7 миллион АҚШ доллари) лойиҳалар амалга оширилган (8-9-расмлар).

²⁸ Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Лизингга берувчиларнинг сони сўнгги уч йил ичида 2 мартадан ҳам ошиб кетди. Биргина 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 10 та янги лизинг компанияси ташкил этилди. Лизингга берувчилар ва улар томонидан амалга оширилган лойиҳалар қийматининг ўзгариб бориш даражасини қуйида келтирилган расмлардан кўриб ўтамиз.

Маълумки, иқтисодиётимиздаги бугунги фаол ўзгаришлар қулай молиявий дастаклардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу бевосита кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурларини молиялаштиришда лизингдан самарали фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқдир.



9-расм. Лизинг берувчилар сонининг ўсиши²⁹

Сўнгги йилларда лизинг қонунчилигида амалга оширилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни муқобил молиялаштириш учун шарт-шароитнинг яхшиланаётгани ҳамда лизингни ривожлантириш учун зарур муҳит яратилаётганидан далолат беради.

²⁹ Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка мувофиқ қайтарма лизингга, яъни лизингга олувчи ва сотувчининг бир шахсда бир йўла мужассамлашувига йўл қўйилади. Айнан мана шу ҳолат лизингнинг ҳаммадан қура қўпроқ ижара эмас, балки молиялаш моҳиятининг янада қўпроқ намаён бўлишидан далолат беради.

Масалан, тадбиркорда ишлаб чиқариш учун бирор ускуна мавжуд. Бирок унда ишлаб чиқариш учун хомашё, бирор бир бутловчи қисмлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун етарли маблағи бўлмаслиги мумкин.


Бундай шароитда у ускунасини лизинг ташкилотига сотиб, уни қайтадан лизинг шартномаси асосида ижарага олиши, яъни қайтариладиган лизинг туридан фойдаланиш йўли билан вазиятдан чиқиб кетиши мумкин.

Ривожланган давлатларда лизинг кўп пул маблағларини жалб этмасдан туриб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта қуроллантиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда. Бу воситани қўллаш ва ривожлантириш учун тараққий этган давлатларда камида икки кўринишдаги муҳим солиқ енгилликлари мавжуд бўлган ва иқтисодиётнинг лизинг секторини ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли тадбирдан фаол фойдаланмоқдалар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лизингга берилган кредитлар аввало, кредит таъминоти учун етарли маблағи бўлмаган тадбиркорларга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 40-50 гектар ери бўлган фермерларга, узоқ муддатларга имтиёзли фоизлар берилиши, мақсадли ишлатилиши, кредитнинг қайтарилмаслик хатарини камлиги, иқтисодиётнинг реал тармоғига йўналтирилиши, янги иш жойларининг очилиши ҳамда охир-оқибатда иқтисодиётимизнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Лизингнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали фаолияти мисолида кўриб ўтамиз.

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиалида молиявий лизинг операциялари 2006 йилдан буён Давлат дастури асосида амалга оширила бошланди. Давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Банк томонидан 2006 йилда 5 та лизингга олувчига 8 та «Даминатор 130» русумли Германияда ишлаб чиқарилган киймати 120,0 млн. сўмлик ғалла ўриш камбайни 5 йил муддатга лизингга берилган бўлиб, комбайн учун бўнак тўлов миқдори лизинг объекти суммасининг 20% ни ташкил этади. Лизинг бўйича йиллик фоиз тўлови, яъни маржа 14,0% га тенг ва асосий қарз суммасини тулаш ғалла ўриш пайтида (июль, август ва сентябрь) амалга оширилади.



10-расм. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали активлари, млн.сўм³⁰

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали 2002 йил 30 октябрда ташкил этилган бўлиб, асосий фаолияти фермер хўжаликларини,

³⁰ Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

машина-трактор паркларини, «Қишлоқхўжаликкимё» АК туман ва вилоятдаги ҳудудий бўлинмалари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бошқа шахсларни лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашга қаратилган.

2007 йил Вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йил 1-январидан эътиборан фермер хўжаликлари учун лизинг муддати 10 йил қилиб белгиланди. 2011 йилда компаниядан лизингга техника олган хўжаликлар сони 20,0 мингга етган бўлса, лизингга тақдим этилган техника сони 22,0 мингдан ошиб, лизинг операцияларининг ҳажми 300,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Компания томонидан амалга оширилаётган лизинг битимларининг кўплиги унинг активлари миқдорининг ошишига олиб келади. Қуйидаги 10-расмда компания активларининг қиймати ва уларинг ўсиш суръатлари келтирилган.

Компания томонидан амалга оширилган лизинг операциялари ҳажми 2008 йилда 2003 йилга қараганда 92,2% ошган. Бу кўрсаткич, албатта, компаниянинг мамлакатимиз молия бозоридаги ижобий фаолиятидан дарак бериб, унинг фаолияти фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда катта ҳиссага эга эканлигидан далолат бериб турибди.

2.2. Корхона капиталини бошқаришда тижорат банклари лизинг хизматларининг аҳамияти

Чет эл ва мамлакатимизда нашр этилаётган адабиётларда таъкидланишича муайян вазиятга боғлиқ тарзда лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай кўчмас ва кўчар мулк ҳисобланиши мумкин. Булар амалдаги таснифга кўра асосий воситалар бўлиши лозим, бозорда эркин муомалада бўлиши таъқиқланган мулклар бундан истисно. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай фойдаланилмай турган мулк, шу жумладан, корхона, мулкый мажмуа, бино,

иншоот, ускуна, транспорт воситаси ва бошқа тадбиркорликда фойдаланиш мумкин бўлган кўчмас ҳамда кўчар мулк лизинг объекти бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтда, деярли барча, айниқса лизингдан фойдаланиш кенг тарқалган мамлакатлар қонунчилигида лизинг объекти бўлиш хусусида қатор чекловлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида ер майдонлари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек, эркин муомалада бўлиш қонунчилик йўли билан таъқиқланган ёки муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби белгиланган мулклар лизинг объекти бўла олмаслиги таъкидланган.



11-расм. Мулк тури бўйича лизинг объектининг таснифи³¹

Шу билан бирга мазкур қонунда алоҳида тартибда муомалада бўлиш талаб этиладиган мулклар рўйхати келтирилмайди, бу ўз навбатида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш киритишни талаб этади. Иқтисодий адабиётларда лизинг объектлари турли методологик белгиларга асосан таснифланади.

³¹ «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. №3, март, 2011 й. 29-31-бетлар.

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига мувофиқ лизинг объектининг таснифи содда тарзда қуйидаги кўринишга (11-расм) эга бўлиши мумкин.

Услубий жиҳатдан мамлакатимизда ва хорижда чиқаётган адабиётларда лизинг муносабатлари субъектини белгилаш масаласи мунозарага сабаб бўлмоқда. Уч асосий шахс, қоидага кўра классик лизинг субъекти ҳисобланади, булар: лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулкани ишлаб чиқарувчи (кўпинча сотувчи).

Амалдаги лизинг муносабатларида эса, қоидага кўра, лизинг муносабатининг бошқа субъектлари, лизингнинг асосий иштирокчилари ўртасидаги воситачи сифатида жалб этилади. Шунингдек, лизинг муносабатлари асосий иштирокчилари ўртасида лизинг бозори хизматининг малакали иштирокчилари воситачилик қилиши мумкин. 11-расмда лизинг ривожига жаҳон тажрибасига мувофиқ лизинг муносабатларининг субъектлари берилади.

Мураккаб лизинг операцияларида қарз берувчилар, лизинг берувчилар, етказиб берувчилар ва лизинг олувчилар томонида бир қатор юридик шахслар қатнашади, чунки лизинг контрактига турли воситачилар (дистрибьюторлар, дилерлар, брокерлар, суғурта ва траст компаниялар ва бошқалар) жалб этилади.

Лизинг муносабатини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз ичига товар кредити ва инвестициясини, олди-сотди ҳуқуқий муносабатини, ижара муносабатини ва мулкӣ кафолат муносабатини олади, лизинг битими асосий иштирокчилари ўртасида шаклланади. Улар ўртасидаги юқорида келтирилган ҳуқуқий муносабатлар мажмуи қарзга олиш ва инвестициялаш, товар кредити ва ижара муносабатлари, лизинг мулкларини сотиб олиш шартлари, лизинг битимлари структураси ва уларни солиққа тортиш, лизинг тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ юзага келади.

7-жадвалдан кўринадики, мутахассис воситачилар ўз тавсифи, ҳуқуқ ва мадбуриятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Лизинг хизмати бозоридаги малакали воситачиларнинг таркиби

№	Малакали воситачилар	Мазкур тур малакали воситачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тавсифи
1	Дистрибьютор (улгуржичи)	- Лизинг мулкани ҳам ишлаб чиқарувчиси, ҳам сотиб олувчиси билан мустақил муносабат асосида тўлиқ ўз номидан ҳаракат қилади, бироқ мулк эгаси ҳисобланмайди. - Нархни белгилайди, бозорни ўрганади, сервис хизмати кўрсатади.
2	Дилер	- Майда мустақил тадбиркор. У ўз ҳисобидан зарур жиҳозларни сотиб олади ва харидорга сотади, бироқ у рекламада қатнашиши ва сервис хизмати кўрсатиши мумкин.
3	Брокер	- Ўз миқозлари топшириги бўйича ва улар ҳисобидан ҳаракат қилади. - Манфаатдор томонларни учраштиради, лекин рискни ўзинимасига олмайди.
4	Тижоратчи	- Миқоз ҳисобидан, аммо ўз номидан битим тузади. - Агар ўз ваколатидан четга чиқса, зарарни тўлайди.
5	Маклер	- Битим учун манфаатдор томонларни танлайди ва учраштиради, лекин ўзи иштирок этмайди.
6	Консигнатор	- Жиҳозларни ишлаб чиқарувчидан тижорат шартлари билан олади ва уни сотувчи белгилагандан паст бўлмаган нархларда сотишни ташкил этади. - Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи жиҳозни етказиб берувчида қолади.
7	Ишончли шахс (вакил)	- ўз фирмасининг номидан ва топшириги бўйича битим тузади. - ўзлари учун тузилган битим топшириғида белгиланган тартибда ҳаракат қилади.
8	Ишлаб чиқарувчи (истеъмолчи) агенти	- Муайян ҳудудда ишлаб чиқарувчи номидан ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилади. - Битта, муайян битимгагина ваколатли бўлмайди, балки ўз вакиллик муддати ичида бир неча битимлар тузишда вакил бўлади.
9	Коммивояжер	- Фақат сотибгина қолмай, балки лизинг объектини фойдаланувчига етказиб беради.
10	Жўнатувчи-сотувчи	- Фирманинг кўчмас вакили, у лизинг мулкани тайинли олувчи-ижарачиларга каталоглар жўнатиш йўли билан сотади.
11	Маслаҳатчи	- Лизинг хизмати бозори ва ишбилармонлар доирасида тадқиқотларни тузилган битимлардан фойзлар тўлови асосида олиб боради. - Даромадга шерик бўлмайди ва буюртмачига кафолат бермайди.

Манба: «Аграр соҳа» // Бозор, пул ва кредит. 2011 й.

Лизинг муносабатини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз ичига товар кредит ва инвестициясини, олди-ютди ҳуқуқий муносабатини,

ижара муносабатини ва мулкый кафолат муносабатини олади, лизинг битими асосий шитирокчилари ўртасида шаклланади. Улар ўртасидаги юқорида келтирилган ҳуқуқий муносабатлар мажмуи қарзга олиш ва инвестициялаш, товар кредити ва ижара муносабатлари, лизинг мулкларини сотиб олиш шартлари, лизинг битимлари суғуртаси ва уларни солиққа тортиш, лизинг тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ юзага келади.

2.3. Лизинг тўловларини ҳисоблаш усуллари

Лизинг тўловлари ҳажмини ҳисоблаш лизингнинг тури, тўлов усули ва тўлов шакллари каби омилларга қараб турли усулларда амалга оширилиши мумкин.

Махсус адабиётларда лизинг тўловларини ҳисоблашнинг бир қатор усуллари тақдим этилган. МДХ мамлакатлари молиявий соҳа мутахассислар ўртасида маълум бўлган лизинг тўловларини ҳисоблашнинг кенг тарқалган усуллари бўйича Е.Н. Чекмарева ва Л.Н. Прилуцкийлар таклифлари диққатга сазовордир. Хусусан, Ш.У. Ҳайдаров, Х.А. Ортиқов ва Х.А. Тухсанов ҳаммуаллифликларида чоп этилган «Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби» китобида Е. Чекмарева ўзининг «Лизинг бизнеси» номли асарида собиқ иттифоқ тугатилгандан кейинги бозор муносабатлари шароитида лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятини биринчилардан бўлиб 1993 йилда чоп этган.

Ушбу услубият лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблашни амалга ошириш ва улар тўлови жадвалини тузиш учун мўлжалланган. Рисолада, шунингдек лизинг тўловлари амортизация ажратмалари, фойдаланиладиган захиралар учун тўлов, комисион тўловлар ва лизингга берувчининг қўшимча хизматлари учун тўловлардан иборат бўлади деб таъкидланган.

Е. Чекмарёва томонидан таклиф этилган ушбу услубиятни молиявий лизинг билан биргаликда тезкор лизинг учун ҳам қўллаш мумкин деб ҳисобланган.

Лизинг муддати тугагандан кейин лизинг муддати тугагандан кейин лизинг мол-мулки қолдиқ қиймати ва молиявий лизинг битими муддатдан олдинг ёпилишини ҳисоблашнинг ўзига хос варианты келтирилган. Молиявий лизинг битими муддатдан олдин ёпилиши суммасига қуйидаги 3 та таркибий қисм киритилган:

1) лизинг келишуви бўйича лизинг тўловларининг барча тўланмаган суммаси;

2) лизинг муддати тугайдиган пайтдаги мол-мулкнинг қолдиқ қиймати;

3) лизинг келишувининг амал қилиши тугагандан пайтдан бошлаб то мол-мулк тўлиқ амортизациялангунча қадар давр бўйича мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати тарзида ҳисобланган неустойканинг фоизларда ифодаланган кредит заҳираларидан фойдаланганлиги учун ставка суммасига ва коммиссион ҳақи ставка суммасига кўпайтирилганлиги.

Сўнгги йилдаги Е. Чекмареванинг услубияти ўз долзарблигини бирмунча йўқотгани сабаби у ижарага олувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро бозор муносабатларини акс эттирилмайди. Бошқача айтганда, Е. Чекмарева услубиятида ижарага олувчининг манфаатлари инобатга олинмайди. Услубият фақатгина лизингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича лизинг компаниясининг харажатларини жамлаш ва унинг устама ҳақи (маржа)ни назарда тутати.

Бундан ташқари, лизинг тўловларини ҳисоблашда пул маблағларининг оқими (ПМО) усулидан ҳам фойдаланиб келинмоқда. Коэффициентлар усулига мувофиқ бўлиш билан бир қаторда, таркибий қисмлар (юқорида келтирилган дастлабки усул) усулига мувофиқ бўлган ҳамда, лизинг компаниялари ўзларининг харажатларини қоплаш учун лизинг тўловларидан тушган пул маблағлари етарли эканлигини аниқлаш учун албатта қўшимча ҳисоб-китобларни амалга оширишлари лозим. Халқаро Молия Корпорациясининг лизингни ривожлантириш бўйича иқтисодчиси Вероника Штельмах авваламбор лизинг компаниясининг пул оқимларига асосланишни

таклиф этади. Бунда лизинг шартномасининг муайян даврида лизинг компаниясининг харажатлари ва лизинг компанияси томонидан қўшиб бериладиган коммиссион ҳақи ҳисобга олинади, холос. Лизинг компаниясининг лизингга таалукли бўлмаган фаолиятидан олинган даромадлар ва харажатлари ҳисобга олинмайди.

Бироқ ПМО усулининг таркибий қисмлар усулидан фарқлари мавжуд. Ниҳоят кредит бўйича фоизлар кредитлаш даври бўйича унинг ўртача қисми бўйича эмас, балки ссуда қарзининг қолдиғи бўйича ҳисобланиши лозимлиги эътироф этилади.

В.Штельмах лизинг тўловининг асосий таркибий қисми деб битимни амалга ошириш учун олинган банк кредити бўйича тўловларни олади, кредит молиялаштиришнинг суммаси лизингга бериладиган мол-мулкнинг қийматига тенг деб фараз қилади. Бу барчамизга маълум бўлган кредитни қоплаш жадвал, яъни асосий қарз қисмини қоплайдиган тўловлар ва қопланмаган қисми бўйича фоизлардан иборат бўлган тенг миқдордаги тўловлардир. Бундай жадвални ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўллаймиз:

$$r = [1 - 1:(1+r)^n] \quad (1)$$

бу ерда:

r - вақт даври бўйича бирлик улуши кўринишидаги кредит ставкаси (вақтнинг барча давлари учун бир хил),

n – тўловлар миқдори.

Юқорида келтириб ўтилган лизинг тўловларини ҳисоблаш усулларини ўзаро таққослаш муҳим аҳамият касб этади. Бу усулларни ўзаро таққослаш учун аввало лизинг тўловларининг ҳажмини даврлар бўйича солиштирма ҳолатга келтириш керак. Лизинг тўловларининг ҳажми корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиши ушбу критерийнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, корхона томонидан

узулларнинг нотўғри танланиши унинг тўловга қобилиятлилигининг пасайишига олиб келади.

ПМО ва ташкил этувчилар усули тўловни амалга ошириш вақтига карамасдан ўз моҳиятини ўзгартирмайди. Булардан фарқли равишда коэффициентла усули агарда тўлов лизинг муддатининг охирида эмас, аксинча бошида (пренумерандо аннуитети) амалга оширилса формулага маълум бир ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

8-жадвал

Турли усуллар ёрдамида ҳисобланган лизинг тўловлари миқдорининг таққослама таҳлили, минг сўм

Тўловлар тартиб рақами	Лизинг тўловлари ҳисобланган усуллар		
	Ташкил этувчилар	ПМО	Коэффициентлар
1	12851,282	38217,84	13187,86
2	12851,282	37822,54	13187,86
3	12851,282	37428,20	13187,86
4	12851,282	37033,12	13187,86
5	12851,282	1237,82	13187,86
6	12851,282	990,02	13187,86
7	12851,282	742,22	13187,86
8	12851,282	495,60	13187,86
9	12851,282	247,80	13187,86
10	12851,282	-	13187,86
11	12851,282	-	13187,86
12	12851,282	-	13187,86
Жами	154215,38	154215,38	154245,32

Манба: Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, коэффициентлар усули билан ҳисобланган лизинг тўловлари қиймати ташкил этувчилар усулига нисбатан бир ойда 336,58 минг сўмга, тўлиқ лизинг муддатида эса 4038,94 минг сўмга ортиқ бўлади. Демак, ушбу усул тадбиркорлар учун бир мунча оғирликка эга.

Ташкил этувчилар ва коэффицентлар усули лизингга олувчининг зиммасига бўлган тўлов оғирлигини лизинг шартномасининг бутун муддати давомида тенг тақсимланишини кўрсатиб берди. ПМО усулида эса асосий оғирлик лизинг муддатининг дастлабки ойларига тўғри келади.

Лизинг тўловларини ҳисоблашнинг ушбу схемаси кўп йиллик иш фаолиятига эга бўлган, барқарор корхоналар томонидан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай корхоналарнинг пул маблағлари оқими асосан бошқа маналардан аккумуляцияланади ҳамда ушбу оқимнинг асосий бўлмаган қисмини ташкил этади. Ушбу усулни тескари ҳолатда, яъни пул маблағлари оқими тўлиқ шакллантирилмаган ёки лизинг объекти пул маблағлари оқимининг катта қисмини таъминлаган корхоналарда қўлланилса миқдорнинг тўловга қобилиятсизлиги хавфи пайдо бўлади.

Бундан ташқари, халқаро лизинг амалиётида лизинг тўловларини ҳисоблаш усулларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда лизингга олувчига лизингнинг барча хусусийятлари ва лизинг тўловларини ҳисоблаш тушантира олиш мумкинлигига қараб ҳам тавсифланади. Шунга асосан, ПМО усулида:

- лизингга олувчи лизинг операцияларини олиб бориш тажрибасига эга эмас ёки тажрибаси жуда кам;
- лизингга олувчи барқарор молиявий ҳолатга эга;
- лизинг объектини ўрнатиш ва ишга тушириш лизингга олувчининг ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмайди;
- лизинг компанияси параллел равишда бир қанча лизинг шартномасини амалга ошира олади;
- лизинг шартномасининг муддати банк томонидан лизингга берувчини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит муддатига мос келади.

Ташкил этувчилар усулида:

- лизингга олувчи лизинг операцияларини олиб бориш тажрибасига уму ман эга эмас;

- лизингга олувчи-янги ташкил этилган корхона;
- лизинг объекти пул маблағлари оқимларини шакллантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.
- лизинг олувчида солиқларни режалаштиришнинг бошқа йўллари мавжуд бўлмайди.

Коэффициентлар усулида:

- лизинг олувчи лизинг операцияларини олиб бориш бўйича етарли тажрибага ва юқори даражада иқтисодик тайёргарликка эга;
- лизинг тўловлари лизинг схемасини амалда қўллаш самарадорлигининг дастлабки баҳолашини таъминлаш мақсадида амалга оширилади;
- лизинг объекти пул маблағлари оқимларини шакллантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади;
- лизингга олувчи кучли бухгалтерия ҳисобига ва солиқларни режалаштиришнинг ривожланган тизимига эга бўлади.

Республикамизда лизинг тўловларини ҳисобланганда бир қатор ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинади.

Лизинг тўловларига оид таъриф Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 590-моддасида ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунинг 22-моддасида баён қилинган. Шуларга асосан, лизинг тўловларининг умумий йиғиндиси қуйидагилардан иборат:

- лизинг шартномасига асосан берилаётган мулкнинг умумий баҳоси ёки шунга яқин қиймат ўрнини тўлдирувчи сумма,
- лизингга берувчининг маълум лойиҳага асосан лизинг объектини харид қилиш учун фойдаланилаётган кредит захиралари бадалига тўланадиган сумма,
- лизингга берувчининг воситачилик ҳақи, лизингга берувчининг шартномада кўзда тутилган бошқа сарф харажатлари (бундай харажатларга лизинг асосида ижарага берилаётган мулкка техник хизмат кўрсатиш,
- ходимларни ўқитиш каби харажатлар киради).

Лизинг асосида ижарага берилаётган мулкни суғурталаш лизингга олувчи томонидан лизингга берувчи субъект фойдасига амалга оширилганда суғурта пули лизинг тўловлари таркибига киритилмайди. Лизинг тўловларининг миқдори, уларни амалга ошириш усули ва даврийлиги томонлар келишувига биноан белгиланади.

Шартномада лизинг тўловлари суммаси, шунингдек уларни тўлаш муддатлари акс эттирилади. Одатда лизинг тўловлари бўйича ҳисоб-китоб қилишда умумий тўлов суммаси олдиндан белгиланган тўланмалардан фойдаланилади. Бу ҳол лизинг тўлови амортизация ажратмалари, олинган қарз маблағлари учун тўланадиган фоиз ҳамда лизинг келишуви жараёнида кўрсатиладиган хизмат ҳақини ўз ичига олади.

Лизинг тўлови лизинг операциясининг белгиланган ҳамма муддатида барча лизинг тўловларининг суммасини, шунингдек агар лизингга олувчи ижара асосида берилаётган мулкни харид қилмоқчи бўлса, лизинг олувчи тўлаши керак бўлган суммани ўз ичига олади. Қоида бўйича молиявий, қайтарилувчи ва алоҳида лизингда лизинг объектининг қиймати ҳам умумий лизинг тўловлари суммасига киритилган бўлади. Ўзгарувчан лизинг тўловлари бўйича устама ҳақ тўлаш усули лизинг шартномасида белгиланган махсус жадвалга биноан даврий лизинг тўловлари кўпроқ учрайди.

Лизинг тўловларини қай тариқа амалга ошириш усулини танлашда лизингга олувчининг молиявий имконияти, лойиҳанинг иқтисодик самарадорлиги, шунингдек, лизингга олувчи фаолият юритаётган тармоқдаги ва молия бозоридаги ҳолат эътиборга олинishi лозим.

Ушбу ҳолатлар, шунингдек лизингга олувчининг лойиҳа бўйича сарфланган харажатларини ҳисоб-китоб қилиш орқали олиб бориладиган лизинг компанияси маржасини аниқлаш чоғида ҳам эътиборга олинади. Лизингга олувчи томонидан лизингга бирор мулк ўзлаштирилаётганда, шунингдек унинг тасарруфида етарлича миқдорда пул маблағлари етишмаётганда бир хил миқдордаги тўловлар

билан бир қаторда, бадал миқдорлари ошиб боровчи тўловларни ҳам татбиқ этиш мумкин. Лизингга олувчининг молиявий аҳволи барқарор бўлиб, лизингнинг бошланғич даврида ўз қарзининг катта қисмини бирданига тўлаш истагини билдирган ҳолларда тезлаштирилган тўлов турларидан фойдаланиш мумкин.

Лизинг тўловларини белгилашнинг асосини тўловнинг даврийлиги ва лизинг берувчига пул маблағларини қайтариш суммаси билан боғлиқ бўлган лизинг тўловларининг умумий суммаси ёки амортизация ажратмаларга қўшиб ҳисобланадиган сумма ташкил этади.

Лизинг тўловларининг умумий суммаси доимий миқдор бўлмай, балки унга лизинг объекти қийматининг ўрнини тўлдириш тезлигига боғлиқ миқдор сифатида қаралади. Лизинг мулкнинг қиймати қанчалик тез тўланса мулкнинг қолдиқ қиймати бўйича тўланаётган фоиз суммаси шунчалик кам бўлади. Мабодо лизингга олувчи субъект лизинг тўловларини тўлашни анча кеч муддатга қолдирадиган бўлса, унда мулкнинг дастлабки қиймати лизинг мулки қийматига ва лизингга берувчи томонидан фойдаланилаётган кредит ресурсларига қўшиб ҳисобланган фоиз ставкалари ҳисобига ортиши мумкин.

Агар лизинг шартномасида лизинг объектини сотиб олиш ҳолати кўзда тутилган бўлса, унда ўзаро томонлар келишуви асосида мулкнинг қолдиқ қиймати тенг ёки тенг бўлмаган улушларда лизинг тўловларига киритилиши ҳам мумкин. Шу тариқа лизингга олувчи субъект лизинг объектини сотиб олишни ҳисобга олган ҳолда, лизинг тўловларининг умумий суммасини камайтириши мумкин.

Мамлакатимиз лизинг бозорида лизинг тўловларини ҳисоблаш ва тўлашда бир нечта лизинг тўловлари жадваллардан фойдаланишади. Қуйидаги биз ана шу жадвалларни аниқ мисоллар орқали ифодалаб, уларнинг лизингга олувчилар учун ўзига хос хусусиятларини ҳам келтирдик.

Лизинг тўловларининг шакли лизингга олинган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилишидан келиб тушган пул маблағларидан амалга

оширилиши ва такомиллаштирилиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда лизинг тўловлари жадвалларининг турли хилларини кўриб чиқамиз:

- Лизинг объекти қийматини бир текис тўлаш жадвали.
- Лизинг тўловларини ўсиб бориш тартибида тўлаш жадвали.
- Аннуитет ҳисоби услубига асосланган тўлов жадвали.
- Тўловларнинг камайиши услубидаги тўлов жадвали.
- Тенг бўлмаган қисмлар билан тўлаш жадвали (ўсиш ёки камайиб бориш).

Ушбу жадвалларнинг моҳиятини яққолроқ тушуниб етиш, улар ўртасидаги фарқни англаб олишлари ва лизинг лойиҳалари учун энг оптимал услубни танлаб олишлари учун аниқ мисол келтирамиз.

Тадбиркор лизингга қиймати 10 млн. сўм. бўлган ускуна сотиб олди.

Шартноманинг амал қилиш муддати 2 йилни. ташкил этади ва тўловлар қулайлик учун ҳар чоракда амалга оширилади (ҳар ойда ҳам тўлаш мумкин, мос равишда ҳисоб-китоблар ҳар ойда амалга оширилади).

Қуйида келтирилган лизинг тўлови ҳисоб-китоби бўйича маржа ҳажми йиллик 12% қилиб ўрнатилган. Кейинги ҳисоб-китобларда эса (7-жадвал) маржа қиймати йиллик 20% га тенг. Ушбу жадваллардан кўриниб турибдики, маржа қийматининг қанчалигидан қатъи назар, лизинг тўловининг йиллик суммаси барча тўлов жадвалларида деярли бир хилдир. Бунинг сабаби ҳисоб-китобларда фарқ мавжудлигидадир. Хусусан, лизинг объекти нархини бир текис равишда тўлаш жадвалида маржа катталиги шартнома амал қилиш муддати ичида лизинг объектининг бирламчи қийматига тенглаштирилади, кейинги жадвалларда эса маржа катталиги лизинг объектининг қолдиқ қийматига тенглаштирилади.

Лизинг объекти қийматини бир текис тўлов жадвали асосий қарзни (10 млн. сўм) лизинг шартномаси амал қилиш муддатига тақсимлаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади (бизнинг мисолда шартнома муддати 2 йил ёки 8 чорак ҳисобланади). Бу ҳолда ҳар бир чоракдаги қайтариш суммаси 1250000 сўмни ташкил этади ($10000000 : 8 = 1250000$). Маржа катталиги 2 йил учун ҳар чоракда

300 000 сўмни ташкил этади. (Ускунанинг нархи 10000000 12% : 4 чорак = 300 000). Ҳар чоракда лизинг олувчи томонидан тўланиши лозим бўлган умумий лизинг тўлови 1550000 сўмни ташкил этади. Лизинг тўловининг ушбу тури барқарор айланма мабларига эга бўлган корхоналар учун қўлланилади. Мазкур лизинг тўлови тизимининг афзаллиги шундаки, корхона бир текис лизинг тўловлари билан ўз молиявий фаолиятини режалаштираётганда шахсий пул маблағларини ҳам режалаштириб олиши мумкин.

9-жадвал

Лизинг объекти қийматини бир текис тўлаш

№	Тўловларни амалга ошириш саналари	Объектнинг қолдиқ қиймати	Маржа (йиллик 12%)	Лизинг объекти нархининг қайтарилиши	Лизинг тўлови
1.	1 чорак	10 000 000	300000	1 250000	1 550000
2.	2 чорак	8750000	300000	1 250000	1 550000
3.	3 чорак	7500000	300000	1 250000	1 550000
4.	4 чорак	6250000	300000	1 250000	1 550000
5.	5 чорак	5000000	300000	1 250000	1 550000
6.	6 чорак	3750000	300000	1 250000	1 550000
7.	7 чорак	2500000	300000	1 250000	1 550000
8.	8 чорак	1 250000	300000	1 250000	1 550000
	Жами		2 400000	10000 000	12 400 000

Манба: Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Бошловчи тадбиркор ёки янги ташкил қилинган корхонанинг бизнеси учун ўсиб боровчи лизинг тўловлари жадвали тавсия қилинади. Бу услубда, корхона ишлаб чиқаришни тўлиқ қувват билан ишга тушириш йўлида катта молиявий харажатлар қилаётганлиги эътиборга олинади. Шунинг учун ускунани қайтариш нархи лизинг олувчи учун қулай бўлиши эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. 9-жадвалдан кўриниб турибдики, бошланғич тўлов минимал даражада. Кейинги лизинг тўловлари эса ошиб боради, бунда корхона ўз маҳсулотларини сотишни бошлаши ва даромад олиши кўзда тутилган.

Жаҳон амалиётида кўпинча аннуитет ҳисоб услубига асосланган лизинг тўловлари жадвали (10-жадвал) кўпроқ қўлланилмоқда. Ушбу жадвал лизинг олувчи учун ҳам, лизинг берувчи учун ҳам самаралидир. Жадвалда лизинг тўлови катталиги ўзгармас бўлиб, махсус формула ёрдамида ҳисобланадиган аннуитет коэффиценти орқали белгиланади:

$$KA = \frac{1 - \left(\frac{1}{(1 + \Pi/4)^T} \right)}{\Pi/4},$$

бу ерда: KA - аннуитет коэффиценти; Π - маржа 24 ставкаси, фоизларда олинган; T - лизинг шартномаси муҳлатининг лизинг тўловлари даврийлигига кўпайтирилган даражаси (бизнинг мисолда, T = 8, яъни 2 йил '4 чорак).

Бу ҳолда лизинг тўлови қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

Лизинг объектининг нархи

Лизинг тўлови = -----

KA

Бизнинг мисолда лизинг тўлови қийматини ҳисоблаб чиқарамиз. Бунда, Π учун 20% ни киритамиз, T учун 8 ни. Натижада аннуитет коэффиценти

$$KA = \frac{1 - \left(\frac{1}{(1 + 20\%/4)^8} \right)}{20\%/4} = 6,463$$

га тенг бўлади.

Формулага кўра, лизинг тўлови катталиги қуйидагига тенг бўлади:

$$\text{Лизинг тўлови} = 10000000/6,463 = 1\,547\,218 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, аннуитет услубидаги ҳисобга асосланган тўлов 2 йил мобайнидаги ҳар бир лизинг тўлови 1547218 сўмга тенг бўлиб, ўзгармас бўлади. Жадвалдан кўриниб турибдики, лизинг объектининг қайтарилиш қиймати ва маржанинг катталиги аҳамиятга эга эмас.

Бироқ, потенциал лизинг олувчи лизинг тўлови жадвалида маржа катталиги ва асосий қарз қийматининг ҳар чоракда ўзгаришини кузатиб боришни хоҳлайди.

Шунинг учун, лизинг компанияларининг мутахассислари томонидан лизинг тўловларининг тўлиқ жадвали тузиб чиқиши мумкин, бунда маржа катталиги ва лизинг объектининг қайтарилиш нархи катталиклари акс эттирилган бўлади.

10-жадвал

Лизинг тўловларини ўсиб бориш тартибидида тўлаш

№	Тўловларни амалга ошириш саналари	Объектнинг қолдиқ қиймати	Маржа (йиллик 20%)	Лизинг объекти нархининг қайтарилиши	Лизинг тўлови
1.	1 чорак	10 000 000	500000	550000	1 050000
2.	2чорак	9450000	472000	750000	1 222500
3.	3чорак	8700000	435000	950000	1 385000
4.	4чорак	7750000	387000	1 150000	1 537 500
5.	5чорак	6600000	330000	1 350000	1 680000
6.	6чорак	5250000	262000	1 550000	1 812 500
7.	7чорак	3700000	185000	1 750000	1 935000
8.	8чорак	1 950000	97500	1 950000	2 047 500
	Жами		2 670 000	10 000 000	12 670 000

Манба: Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

11-жадвал

Тўловларнинг камайиши услубидаги тўлов тенг бўлмаган қисмлар билан тўлаш (ўсиш ёки камайиб бориш)

№	Тўловларни амалга ошириш саналари	Объектнинг қолдиқ қиймати	Маржа (йиллик 20%)	Лизинг объекти қийматининг қайтарилиши	Лизинг тўлови
1.	1 чорак	10 000 000	500000	500000	1 000000
2.	2 чорак	9500000	475000	1 700000	2 175 000
3.	3 чорак	7800000	390000	2000000	2390000
4.	4 чорак	5800000	290000	500000	790000
5.	5 чорак	5300000	265000	500000	765000
6.	6 чорак	4800000	240000	1 900000	2 140000
7.	7 чорак	2900000	145000	2300000	2445000
8.	8 чорак	600000	30000	600000	630000
	Жами		2 335 000	10 000 000	12 335 000

Манба: Financial Leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

Агар ишлаб чиқариладиган маҳсулот мавсумий характерга эга бўлса, қуйида баён этилган лизинг тўловларининг тенг бўлмаган қисмлар билан тўлаш жадвали (ўсиш ёки камайиб бориш) қўлланилиши мумкин. Ушбу тизимнинг лизинг оловчи учун афзаллиги шундаки, тўловларнинг асосий қисми корхонанинг мавсумий фаолиятдан келиб тушувчи молиявий маблағлар асосига режалаштирилади. 20% лик маржа лизинг объектининг қолдиқ қийматига ўрнатилади. 11-жадвалдан кўриниб турибдики, маржа қиймати лизинг оловчи томонидан энг даромадли деб белгиланган чоракларда кичикроқ ўрнатилган.

Юқорида келтирилган жадваллардан кўриниб турибдики, маржа катталигидаги фарқ мавжудлигига қарамай, лизинг тўловларининг умумий қиймати деярли бир хил. Аннуитет тўловларнинг камайиб бориши ҳамда тенг бўлмаган қисмлар билан тўлаш услубларига асосланган жадвалларда лизинг тўловлари (10-жадвалда маржа 12% га тенг бўлган) ҳаттоки камроқ ҳамдир.

Икинчи боб бўйича хулосалар

Лизинг муносабатини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз ичига товар кредит ва инвестициясини, олди-ютди ҳуқуқий муносабатини, ижара муносабатини ва мулкый кафолат муносабатини олади, лизинг битими асосий шитирокчилари ўртасида шаклланади. Лизинг тўловларини ҳисоблашнинг ушбу схемаси кўп йиллик иш фаолиятига эга бўлган, барқарор корхоналар томонидан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай корхоналарнинг пул маблағлари оқими асосан бошқа маналардан аккумуляцияланади ҳамда ушбу оқимнинг асосий бўлмаган қисмини ташкил этади. Ушбу усулни тескари ҳолатда, яъни пул маблағлари оқими тўлиқ шакллантирилмаган ёки лизинг объекти пул маблағлари оқимининг катта қисмини таъминлаган корхоналарда қўлланилса мижознинг тўловга қобилиятсизлиги хавфи пайдо бўлади.

III БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тижорат банкларида лизинг хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лизинг жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни ва молиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги барча капитал қўйилмаларнинг 30 фоизини айнан мана шу усул таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, асосий эътиборни энг аввало, республикада фаолият юритаётган лизинг компаниялари учун зарур ҳуқуқий асосни вужудга келтириш масаласига қаратди. Аввало 1999 йил Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Лизинг тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Фуқаролик кодексида зса айнан мана шу фаолиятга етита модда бағишланган; Марказий банк томонидан қатор йўриқномалар ишлаб чиқилган ва улар амалда лизинг операцияларини тартибга солишга хизмат қилмоқда. Бу қонуний ҳужжатлар республикада лизинг операцияларики амалга ошириш ва шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим йўналиши, яъни кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишига ўз хиссасини қўшмоқда, Бироқ амалдаги қонунлардаги айрим қоидалар лизинг муносабатларининг ривожланиш имкониятларини бирмунча чеклаб қўймоқда. Солиқ туфайли лизинг объектлари баҳоси ортиши, уни молиялашнинг бошқа шакллариға нисбатан норақобатбардош бўлишиға олиб келмоқда. Айни чоғда лизингнинг жаҳон

миқёсида кенг тарқалишига асосий сабаб, унинг банк кредитига нисбатан анча арзон эканлиги билан боғлиқдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози омиллар таъсирини кескинлашишига қарши лизинг фаолиятини такомиллаштириш Ўзбекистонда амалдаги қонунлар, хусусан, солиқ идораси томонидан лизингни рағбатлантирувчи самарали механизмни вужудга келтириш билан белгиланмоқда. Президент И.Каримов мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2011 йилги якунлари ҳамда 2012 йилда иқтисодий ислохотларнинг етакчи йўналишларига бағишланган «2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтди: Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2011 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга – 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2012 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Бизнинг назаримизда, лизинг операцияларини ривожлантириш лизинг муомалаларини амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, уларнинг ҳам лизинг берувчилар, ҳам лизинг олувчилар учун бошқа молиявий воситаларга қараганда рақобатбардошлигига боғлиқ.

Жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия ва Европа мамлакатларидаги лизинг хизматлари бозорини таҳлил қилган ҳолда, ушбу мамлакатларда лизинг операцияларини ривожлантириш шу давлат органлари томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланганлигини ва бу

чора-тадбирлар лизинг операцияларини ривожлантиришда рағбатлантирувчи омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, АҚШ солиқ тизимида имтиёзларнинг жорий этилиши туфайли лизингнинг жадал суръатларда ривожланишига асосий сабаб: тезлаштирилган амортизация ва инвестициявий солиқ имтиёзи, янги инвестициялар қийматининг 10 фоизи солиқ суммасидан ушлаб қолинишидир.

Франция лизинг компанияларига солиқ масаласида катта имтиёзлар берилган: даромаднинг 85 фоизи солиқдан озод этилган, шунингдек, тезлаштирилган амортизация ва бошқа имтиёзлар жорий этилган.

Италияда жамоат ташкилотлари учун, шунингдек, айрим иқтисодий тармоқлар учун лизинг бўйича солиқ имтиёзлари жорий этилган. Бу мамлакатда имтиёзлар тўғрисидаги қонунлар қуйидаги тармоқлар бўйича қабул қилинган:

- технологик инновациялар - 1987 й.;
- саноатни қайта таъмирлаш - 1977 й.;
- савдо-сотиқ - 1985 й.;
- қишлоқ хўжалиги - 1986 й. ва бошқалар.

Европада лизинг операцияларига имтиёзли тарзда солиқ солинади. Инвестициялар эса фондларнинг тезлаштирилган амортизациясини қўлланиши, ўз фаолиятини энди бошлаган янги компанияларни солиқдан озод этиши ҳамда уларга муайян фаолият турларига қараб, имтиёзли солиқ тизимини жорий қилиши ҳисобига катта самаралар беради. Лизинг олувчининг лизинг тўловлари солиқдан озод этилган бўлиб, улар солиқ солинадиган даромаддан ушлаб қолинади. Ҳозир аксарият МДХ мамлакатларида ҳам қатор солиқ имтиёзлари жорий этилган. Масалан, Россияда лизинг фаолиятининг иштирокчилари учун бир қатор солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

Олиб борилган таҳлилий ишларга асосланган ҳолда, мамлакатимизда лизинг соҳасининг ривожланишига ва уларнинг ҳар томонлама раванқ топишига

тўсқинлик қилаётган баъзи ҳолатларни ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– лизинг компаниялари фаолияти ривожланиши ва юксалишига уларнинг устав жамғармаларини мустаҳкамлаш ҳам ёрдам бериши мумкин.

Айни пайтда лизинг компаниялари тасарруфидаги айланма маблағлар миқдорининг етишмаслиги (Масалан, «Ўзбеклизинг интернэшнл АО» қўшма корхонасининг устав жамғармаси 4 млн. АҚШ долларини, «ЎзКейсагролизинг» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг устав жамғармаси 5 млн. АҚШ долларини, Ўзбекистон банклари Уюшмасининг «Барака» универсал лизинг компанияси учун ажратилган устав жамғарма эса 200 миллион сўмни ташкил этган) мамлакатимизда лизинг секторининг жадал суръатларда ривожланишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Масалан, «Барака» универсал лизингкомпанияси устав капитали маблағларини 1997 йилиёқ ўзлаштирган бўлиб, у ҳозирги кунда лизинг операцияларини ўз молиявий фаолиятидан олинган даромадлари ҳисобига ўтказишга мажбур бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу амалда оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар миқдорининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Чунки янги лойиҳалар учун пул маблағларининг лизинг тўловларидан тушаётган молиявий ресурслар ҳисобига тўпланиши муайян вақни талаб этади. Лизинг компаниялари учун ажратилаётган устав капитали миқдорининг озлиги нафақат иқтисодиётимиз лизинг сектори ўсишига, балки мазкур компанияларнинг сон жиҳатдан ортишига ҳам салбий таъсирини ўтказмоқда;

- лизинг компанияларининг устав капиталини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий лизинг компаниялари учун имтиёзли шарлар асосида мамлакатимиздаги шунингдек банкларнинг кредит ресурсларини жалб қилиш ҳисобига ўз айланма маблағларини ошириш шартларини яратиш катта ёрдам беради, Бунинг учун амалдаги қонуний ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда «Лизинг тўғрисида»ги қонунда молиявий маблағларни четдан жалб қилишга оид моддалар турлича талқин

килинмасдан улар таҳририй жихатдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим бўлади;

- ҳозирги пайтда лизинг муносабатларининг барча иштирокчиларига хизмат кўрсатувчи лизинг сектори инфратузилмасини, яъни лизинг компаниялари, консалтинг фирмаларининг кенг тармоқпарини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

- лизинг хизматлари бозорини етарли даражада таъминлаш мақсадида лизинг компанияларини чет эл молиявий институтлари мисолида бевосита республика банклари ва бошқа кредит муассасалари қошида тузиш жоиз.

Чунки бу лизинг лойиҳаларини молиялашнинг кўшимча манбаларини аниқлаш муаммосини ҳал этишга имкон беради. Шунингдек, мавжуд халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда йирик саноат кўшма корхоналари қошида ихтисослаштирилган лизинг компанияларини вужудга келтириш мумкин. Шу ўринда «SamAvto» саноат корхонаси қошида фаолият юритаётган «Uzavtosanoatleasing». Лизинг хизматлари бозорини кенгайтириш мақсадида йирик: саноат корхоналари қошида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни жадаллаштириш ҳамда ўтказилаётган лизинг операциялари ҳажмини янада кенгайтиришга ёрдам берувчи бундай махсус лизинг компанияларини вужудга келтириш ва уларни ривжлантиришни рағбатлантириш лозим. Бундай компанияларда ишлаш учун мутахассисларни ўқитишни Банк-молия Академиясида, Минтақавий банк-ўқув марказида, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва институтимиз базасида ташкиллаштириш мумкин. Уларнинг амалий малака орттириши масаласи эса ҳозирда фаолият юритаётган лизинг тузилмаларига бўладиган стажировкалари жараёнида назарда тутилиши мумкин;

- 2005 йилда лизинг компаниялари уюшмасининг тузилиши ҳам бу борадаги муҳим қадамлардандир.

Фикримизча, бу уюшма қуйидаги вазифаларни амалга ошириб, лизинг бозорининг ривожланишига улкан ҳисса қўшадилар:

- а) лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш;
- б) ички ҳамда халқаро лизингнинг қонуний ҳужжатлари, юридик ҳамда ҳуқуқий асосларига оид лойиҳани тайёрлаш;
- в) уюшма таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар тасарруфидаги маблағларни ички ва ташқи бозорларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ва операцияларни амалга ошириш учун бирлаштириш;
- г) давлат бошқаруви органлари билан биргаликда Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва дастурини ишлаб чиқиш;
- д) давлат идораларида, Ўзбекистон ҳудудида ва ундан ташқаридаги иқтисодий ташқи савдо ҳамда жамоат ташкилотларида уюшма аъзолари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳифо этиш ва ҳимоялаш;
- е) халқаро уюшган жамоат ташкилотлари ишида иштирок этиш.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши лизинг хизматларининг фаоллашувига, бинобарин, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ривожланишига ёрдам беради.

Лизинг компаниялари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида лизинг компаниялари ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- лизингни ривожлантиришга қўмаклашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- лизинг муносабатлари иштирокчиларини лизинг бозоридаги аҳволга оид маълумотлар билан таъминлаш ҳамда лизинг компаниялари маблағларини самарали қўйиш учун иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини аниқлаш;

- лизинг бозори ишлашининг зарур шарт-шароитларини таъминловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- давлат идоралари ҳамда хўжалик юритувчи барча субъектлар томонидан лизинг тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш ва таъминлаш;

- лизинг фаолияти соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда уни республика иқтисодий шароитларига мувофиқ равишда жорий қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида махсус комплекс Дастур ишлаб чиқилиши зарур бўлиб, унинг асосий стратегик йўналишлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида лизинг фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан солиқ, божхона ҳамда ҳуқуқий соҳада қулай шарт-шароитлар яратиш орқали қўллаб-қувватлаш;

- лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришни ҳуқуқий (жиҳатдан) таъминлашни такомиллаштириш;

- лизинг операцияларини амалга оширувчи ташкилотлар уюшмаси ва консалтинг фирмаларини тузиш орқали лизинг хизматлари бозори инфратузилмасини ривожлантириш;

- инвестицияларни амалга ошириш учун самарали молиявий усулларни тақдим этиш орқали хусусий тадбиркорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш;

- молиявий менежментни мустаҳкамлаш, раҳбарларга, шунингдек, лизинг ташкилотлари бош мутахассисларига бўлган малакавий талабларни ошириш мақсадида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- лизинг фаолиятини ўтказишнинг халқаро стандартларини жорий қилиш.

Юқорида қайд этилган махсус комплекс Дастурни ишлаб чиқиш пировардида иқтисодиётнинг реал секторида инвестиция фаоллиги ривожланишига, маънан эскирган техника жиҳозларини замон талаблари даражасидаги янгилари билан алмаштиришга, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва республика иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

3.2. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида микролизинг операцияларини суғурталаш орқали ҳимоялаш йўллари

Иқтисодиётимизда сўнгги ўн йил ичида шиддат билан ривожланаётган хусусий сектор вакилларининг ҳар бири лизинг сўзини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тушуниб етишди. Натижада молиявий хизматлар бозорида лизинг операциялари жадал ривожлана бошлади. Бироқ ҳар бир тадбиркор ёки фермер ҳар бир ижарага олинган мол-мулк учун тўловларни ўз вақтида олмайди. Шу сабабли микролизинг хизмати ташкил этилди.

«Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомда микролизингга «тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баровари миқдоридан ошмайдиган суммага бериладиган лизинг» дея таъриф берилган.

Микролизинг операцияларини қўллаганда ижарага олувчи ўзига керакли асбоб-ускуна ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ҳамда уларни сотиб олиш учун ўз маблағларини бир вақтнинг ўзида

сарфламаслиги унинг учун энг ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Бунда ижорачи мол-мулкни лизинг шартномасига асосан ўз ихтиёрига олади ва ушбу мулкдан фойдаланиш натижасида даромадга эга бўлиб, даври равишда лизингга берувчига лизинг тўловларини амалга оширади.

Мамлакатимизда микролизинг операциясининг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бўлган ижобий таъсирини ҳамда бутун иқтисодиётни мустаҳкамлашдаги ўзига хос ўрнини ҳисобга олиб ҳукуматимиз томонидан 2006 йилда «Микромолиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун кредит лаёқатлилиги суи бўлган, суғурта, пул ўтказмалари ва жамғарма хизматларидан фойдаланиш имконияти кам бўлган шахсларни ўзига жалб қилувчи барқарор молиявий тизимни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Республикаimizдаги мавжуд лизинг компаниялари амалиётидан шу нарсa маълумки, микролизинг операциялари мамлакатимизда ўзининг кейинги ривожланиши учун улкан салоҳиятга эга. Мисол тариқасида ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали фаолиятини олиб қарасак, микролизинг операцияси мамлакатимиздаги энг талабгор молиявий хизмат турларидан бири ҳисобланиб, кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий воситаси сифатида эътироф этилади. Фақатгина 2011 йилнинг ўзида компания томонидан қиймати 1 млрд. 85 млн. сўмлик 14 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, шулардан қарийб ярми микролизинг лойиҳаларини ташкил этади.

Бугунги кунда компаниянинг лизинг портфелида 155 та лойиҳа мавжуд бўлиб, уларнинг 15 таси келажакда мини-сутзаводлари учун қурилмаларни харид қилиш ва лизингга беришга мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати 3,7 млрд сўм ва 2,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Қуйидаги 10-жадвалда «Барака» УЛК нинг 2011 йилда амалга оширилган лизинг лойиҳаларининг кўрсаткичлари келтирилган (12-жадвал).

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали томонидан 2011 йилда амалга оширилган лизинг лойиҳаларининг кўрсаткичлари

Мол-мулкнинг турлари	Қиймати, млн. сўм	Салмоғи
Ишлаб чиқариш воситалари	688	63,41
Кўчмас мулк	197	18,15
Компьютер, аргтехника	70	6,45
Автотранспорт	35	3,23
Тиббиёт асбоб-ускуналари	35	3,23
Полиграфия асбоб-ускуналари	20	1,84
Бошқалар	40	3,69
Жами	1085	100

Манба: ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали маълумотлари.

Республикамиздаги лизинг бозорини таҳлил қилиб, қуйидаги фикрларни келтиришимиз мумкин. Аввало микролизинг операциялари бўйича қишлоқ хўжалик мини-цеҳлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш техникасига бўлган талаб маълум даражада юқоридир. Бироқ енгил ва озиқ-овқат саноати қурилмаларига бўлган талаб ҳали ҳам жуда юқориликча қолмоқда. Савдо қурилмалари лизинги эса кам ўзлаштирилган, аммо истиқболли хизматлардан ҳисобланади.

Микролизинг операциялари бўйича ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали 2011 йилда тадбиркорлар билан 3697 та шартнома тузилган. Шулардан 96% и мол-мулкни микролизингга олишга мўлжалланган. Умумий қиймати 56,6 млрд. сўм бўлган барча лизинг лойиҳаларининг қарийб 80 %, яъни 45,1 млрд. сўми айнан микролизингга йўналтирилган. Шу йили микролизинг асосида берилган қишлоқ хўжалик техникаси 3754 бирликни ташкил этган бўлиб, булар асосан уч ёки тўрт гилдиракли тракторлар, культиватор, сув пуркагич, ўроқлардир.

Микролизинг операцияси оддий лизингдан шартнома қиймати бўйича фарк қилади. Ҳозирга кунда мамлакатимиз қонунчилигида микролизинг

шартномасининг энг юқори қиймати белгиланган бўлиб, бу қиймат энг кам иш ҳақининг 2000 бараваридан ошмаслиги керак, яъни тахминан 41 млн. сўм ёки 29 минг АҚШ доллари миқдорида.

Бугунги кунда республикамизда микролизинг хизматлари ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали, «Барака» УЛК ОАЖ, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг», Бизнес лизинг, Курилиш лизинг ва Сурхон лизинг каби лизинг компаниялари, Асакабанк, Пахтабанк, Савдогарбанк, Алоқабанк, Микрокредитбанк каби 20 га яқин банклар, шунингдек Қорақалпоғистон Республика Бизнес инкубатори ва Қорақалпоғистон тадбиркор аёллар уюшмаси томонидан амалга оширилади.

Микролизинг хизматини амалга ошириш бўйича кредит сиёсатининг таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистонда деярли барча лизингга берувчиларга мол-мулкни микролизингга бериш муддати 1,5-4 йилни («Турон» банк ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияларидан ташқари) ташкил этади. Бунинг асосий сабаби сифатида айрим лизингга берувчиларнинг юқори ставкалари эътироф этилади.

Микролизинг объектларининг вариация қийматининг сезиларли даражада бўлиши ўртача қийматни аниқлашни мураккаблаштиради. Бу бўйича Алоқабанк ва ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиалларининг шартлари бир мунча ибратлидир, яъни шу банклар микролизинг хизматларини амалга ошираётганда шартларнинг «лизингга олувчилар томонидан танланиши» сиёсатига амал қилишади. Ҳеч шубҳасиз, «Фаолият эркинлиги» лизингга олувчилар учун анча қулай бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда банк фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб микрокредит ва микролизинг операцияларининг ҳажмини ошириш ҳисобланади. Ушбу хизмат турлари юқори рисклилиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда, лизинг фаолиятида учрайдиган рискларга тўхталиб ўтсак.

Лизинг компанияларининг ўз фаолиятлари давомида дуч келадиган рискларни 2 та йирик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Умумий рисклар - бу барча корхоналар дуч келадиган рисклардир.
2. Махсус рисклар - фақатгина лизинг фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклар.

Умумий рисклар таркибига қуйидаги риск турларини киритамиз:

- Сиёсий;
- Макроиктисодий;
- Ҳукукий;
- Солиқ билан боғлиқ бўлган хавфлар (рисклар).

Лизинг фаолиятида учрайдиган махсус рисклар жумласига лойиҳа рискини, шунингдек лизинг объекти билан боғлиқ бўлган рисклар, молиявий ҳамда лизинг тўловларининг тўланмаслиги билан боғлиқ бўлган рискларни киритамиз.



12-расм. Лизинг фаолиятида учрайдиган риск турлари

Лойиҳа rischi лизингга олувчининг молиявий ва харажатлар стратегияси нуқтаи назаридан олиб қаралган лизинг лойиҳасининг ҳолати билан боғлиқ. Бу турдаги riskни пасайтириш учун лизингга берувчи томонидан лизингга олувчининг бизнес-режаси ёки инвестицион лойиҳасининг самарадорлигини ҳамда унинг келгуси пул оқимларини, нарх стратегияси ва ҳ.к чуқур таҳлил қилишни талаб этади (12-расм).

Барча лизинг келишувларида лизинг объектининг қайтарилмаслик riskи учраб туради. Лизинг объекти гарчи лизингга берувчининг мулки бўлсада, амалдаги қонунчиликка мувофиқ уни лизингга олувчидан мутлақо тортиб олиш мумкин эмас. Riskнинг ушбу турини қайтариш учун лизингга олувчининг қанчалик инсофли эканлигини, унинг ҳуқуқий жихатларини тўлиқ ўрганиб чиқиш ва лизинг таъминотининг самарали схемасини ишлаб чиқиш лозим.

Лизинг объектининг йўқотилиши билан боғлиқ risk асосан лизинг объектининг ўғирланиши, талон -тароғ қилиниши натижасида юзага келади.

Ушбу risk турини камайтириш учун лизинг объектини суғурталаш тугрисидаги шартномани тузиш лозим.

Лизинг объектини иккиламчи бозорда реализация қила олмаслик riskини камайтириш учун лизингга берувчи ва мол етказиб берувчи ўртасида мулкни қайтадан харид қилиш ёки такроран реализация қилиш бўйича шартнома тузиш лозим.

Молиявий riskлар турига қуйидагилар киради:

1. Портфель riskи - бу лизинг шартномалари портфелининг лизингга олувчилар ўртасида нотекис таксимланиши билан боғлиқ бўлган riskдир.

2. Фоиз riskи — лизинг шартномасида кўзда тутилган ставкадан ташқари банк кредитлари бўйича лизинг компанияси тўлаган фоиз ставкалари ошиши натижасида юзага келадиган йўқотиш riskидир.

3. Валюта rischi — валюта лизинги битими тузилишида юзага келади ва валюта курси тебриб туриши натижасида лизинг берувчи йўқотиши мумкинлигини билдиради.

Портфель riskини камайтириш учун лизинг лойиҳалари портфелини шакллантириш бўйича яратилган стратегияни реализация қилиш талаб этилади. Ушбу портфелни шакллантиришда бир қанча йўналишлар мавжуд:

- тармоқли;
- «мулк тури» бўйича;
- худудий;
- корхона шакли бўйича;
- молиялаштириш хажми бўйича.

Ҳар хил худудларда турли шаклдаги мулк билан турли хил саноат тармоқларида лизинг фаолиятини олиб борувчи универсал компаниялар кам ҳолатларда портфель riskига дуч келади. Агарда лизинг шартномасида банк фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли лизинг тўловлари миқдорини қайта кўриб чиқиши ҳақида келишиб олинса фоиз riskини камайтириш имконияти пайдо булади. Бунда шу нарсани унутмаслик керакки, лизинг тўловларининг миқдори кўпи билан 3 ойда 1 мартагача ўзгариши мумкин.

Валюта riskини камайтиришнинг бир усули бўлиб кредитлашда фойдаланилган валюта билан лизинг тўловларини ҳисоблашда қўлланилган валютанинг ўзаро мослигини таъминлаш ҳисобланади.

Лизинг компанияси уз фаолияти давомида дуч келадиган энг жиддий риск турларидан бири лизинг тўловларини тўламаслик riskидир. Ушбу риск турини пасайтиришнинг энг самарали усули бўлиб уни суғурталаш ҳисобланади. Шунингдек, лизингга олувчининг кредит қобилиятини комплекс равишда таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Умуман олганда, лизинг фаолиятида учрайдиган риск турларини пасайтиришнинг энг самарали усули бўлиб лизинг шартномаларининг қўшимча

таъминлангашши бўлиб ҳисобланади. Лизинг шартномасида гарчи лизинг объекти асосий таъминот сифатида эътироф этилсада, у ягона таъминот эмас.

Лизинг шартномасининг қўшимча таъминоти сифатида лизингга олувчи томонидан амалга оширилган бўнак тўловларини, юридик ва жисмоний шахслар кафиллигини ҳамда гаров сифатида мулкни эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, лизингга олувчининг рискларини пасайтириш ва лизинг объектларидан ғоятда самарали фойдаланиш учун сублизингдан фойдаланишади. Масалан, агар лизинг олувчи лизинг объектидан тўлиқ фойдаланиши учун етарли ресурсларга эга бўлмаса, у объектни учинчи тарафга - бундай ресурслари бўлган сублизинг олувчига бериш мумкин. Лизинг берувчи мол -мулкни лизинг олувчига беришни баъзи кўрсаткичлар (мониторингнинг мураккаблиги, тақдим этиладиган баъзи бир талабларга мувофиқлиги ва ҳ.) бўйича ўзи учун ҳаддан ташқари рискли деб ҳисоблайдиган вазият ҳам юзага келиши мумкин. Бу рискларни пасайтириш учун тарафлар лизинг берувчи сифатида ана шу мақсадлар учун кўпроқ тўғри келадиган, лекин ўзи лизинг субъектидан фойдаланмайдиган, балки ўз зиммасига пировард олувчининг барча рискларини оладиган пировард олувчига сублизингга берадиган компанияни танлашлари лозим.

Булардан ташқари яна жаҳон амалиётида қайд этилган қуйидаги риск турларига тўхталиб ўтамир:

- **Маркетинг rischi** — асосан тезкор лизингга хос бўлиб, тақлиф этилган лизинг мулкига лизинг берувчининг 100% ли талабининг бўлмаслик rischi. Лизинг тўловида риск мукофотининг оширилиши, битим учун ускуна ва техниканинг энг оммабоп турларидан фойдаланиш, лизинг шартномаси тугагач бозор конъюктурасини ҳисобга олиб битим объектини сотиш маркетинг рикининг олдини олиш усуллари ҳисобланади.

- **Лизинг битими объектининг жадал маънавий эскириш rischi.** Лизинг битими объекти, одатда, кўп илм талаб соҳанинг маҳсулоти бўлади. Шунга кура

улар кўпинча анча самарали технология ва ускуналар яратиши натижасида «илмий техника тараққиёти таъсирига чалинади». Бу рискни минималлаштиришнинг асосий усули бўлиб, шартномада қатъий муддатини белгилаш, яъни шартнома бекор қилиниши мумкин бўлмаган даврни белгилаш ҳисобланади.

- **Нарх rischi** - лизинг битими амал қиладиган муддати мобайнида лизинг битими объектининг нархи ўзгариши билан боғлиқ даромадни аниқ йўқотиш rischi. Бунда лизингга берувчи эски нархларда тузилган лизинг объекти нархи ошган ҳолларда қўлга киритиши мумкин бўлган даромадни йўқотади. Эски нархлар бўйича лизингга олинган лизинг мулкнинг тушишидан лизингга олувчи зарар кўради. Бу рискни биргаликда минималлаштиришга лизингнинг бутун муддати мобайнига ҳар бир лизинг тўловининг миқдорини қайд этиши йўли билан эришилади.

- **Сиёсий риск** - мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгариши, иш ташлашлар, давлат иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши ва бошқалар билан боғлиқ молиявий йўқотишлар riskидир.

- **Ҳуқуқий риск** - муайян мамлакатдаги лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши натижасида лизинг берувчига юзага келадиган йўқотишлар билан боғлиқ.

Лизинг фаолиятида учрайдиган рискларни пасайтиришнинг энг самарали усулларида бири - бу лизинг объектини суғурталашдир. Микролизинг операциялари бўйича банк фоизлари қисман уларнинг амалга оширилиши билан кузатиладиган риск бўйича тўлов сифатида аниқланади. Суғурта компанияси орқали банк ўзининг имконияти бўлмаганда ҳамда ўзини-ўзи суғурталашда ўз маблағларининг етишмаслиги натижасида юзага келадиган рискларни суғурталайди.

Ривожланган давлатларда микролизинг операцияларини суғурталаш анча оммалашган бўлиб, шартли равишда унинг қуйидаги турлари ажратилиши

мумкин. Мулкни йўқотиш билан боғлиқ риск, мамлакатдаги мавжуд иқтисодик ҳолат ва экологик омиллар таъсирида мулк қийматининг ўзгариши билан боғлиқ риск, лизингга олувчининг тасодифан вафот этиши ҳамда меҳнат қобилиятининг қисман ёки тўлиқ йўқотилиши билан боғлиқ риск ва ҳоказо.

Халқаро амалиётда лизинг операцияларининг суғурталаш суғуртанинг махсус тури сифатида XIX асрда шаклланган бўлиб, у иқтисодий инқироз ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида қайта тикланган, десак тўғри бўлади. Лизинг объектини нобуд бўлиш, йўқотиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарарлардан суғурталаш тарафларининг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизингга олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик (молиявий) рискларни суғурталаш лизинг шартномасига мувофиқ томонлар келишувига мувофиқ амалга оширилади ва мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз қонунчилигига мувофиқ лизингга олувчи лизинг мулкидан фойдаланиши жараёнида бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки молмулкига зарар етиши мумкин бўлган ҳолларда вужудга келадиган жавобгарлигини суғурталаш керак.

Лизингга олувчи лизинг шартномасининг бузилиши бўйича ўзининг жавобгарлиги рискни лизингга берувчи фойдасига суғурталаш ҳуқуқига эга. Лизинг хизматлари бозори таҳлили шуни кўрсатадики, амалиётда лизинг объектларининг мулкый суғуртаси кўп учрайди. Статистик маълумотларга кўра мол-мулк билан боғлиқ рискларни суғурталаш бўйича тузилган шартномаларнинг усули барча лизинг шартномаларининг 90 % ни ташкил этади. Лизингга берувчининг молиявий рискларини суғурталаш эса барча лизинг шартномаларининг 2 % улушини ташкил этади.

Мулкий суғуртага суғурталовчи сифатида (ёки бенефициар) лизингга берувчи ёки лизингга олувчи иштирок этиши мумкин. Бироқ лизинг объектининг ўғирланиши ҳамда нобуд бўлиши rischi бўйича лизингга берувчи фойдага эгалик килувчи субъект сифатида чиқади.

Мамлакатимиз суғурта бозорида фаол ривожланиб бораётган ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” республикаимиз лизинг бозорида учрайдиган турли хил риск турларидан лизинг объектларини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга. Бу компания «Uzavtosnoat leasing» ихтисослаштирилган лизинг компанияси билан биргаликда лизингга берилаётган мол-мулкни суғурталаш ҳамда лизингга олувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта бадали миқдори энг кам иш ҳақининг 1000 баровари миқдоридан 2% ва 0,7% улушида ундирилади. Бу эса ўз навбатда, мамлакатимизда лизинг бозорининг мавжуд riskлардан юқори даражада ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лизинг объекти билан боғлиқ барча riskлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида шартномасида назарда тутилган тартибда лизингга олувчига ўтади. Riskлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизингга олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар riskлар лизингга берувчидан лизингга олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, riskлар лизингга олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади. Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизингга олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча riskлар лизингга берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги рисклари лизингга олувчининг зиммасида бўлади, лизингга лизингга берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизингга берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон Республикаси ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, асосий эътиборни энг аввало, республикада фаолият юритаётган лизинг компаниялари учун зарур ҳуқуқий асосни вужудга келтириш масаласига қаратди. Лизинг операцияларини ривожлантириш лизинг муомалаларини амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, уларнинг ҳам лизинг берувчилар, ҳам лизинг олувчилар учун бошқа молиявий воситаларга қараганда рақобатбардошлигига боғлиқ.

Лизинг компаниялари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида лизинг компаниялари ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мамлакатимизда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида махсус комплекс Дастур ишлаб чиқиши зарур.

Республикаimizдаги мавжуд лизинг компаниялари амалиётидан шу нарса маълумки, микролизинг операциялари мамлакатимизда ўзининг кейинги ривожланиши учун улкан салоҳиятга эга. Мисол тариқасида ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиали фаолиятини олиб қарасак, микролизинг операцияси мамлакатимиздаги энг талабгор молиявий хизмат турларидан бири ҳисобланиб, кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий воситаси сифатида эътироф этилади.

ХУЛОСА

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, тадбиркорликда юқори самараларга интилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётганлардан ташаббускорликни, уддабуронликни, ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантиришни нафақат талаб этибгина қолмай, уларни янги механизмларини излаб топишни асосий вазифалар сифатида қўяди. Ана шундай механизмлардан бири лизинг бўлиб, унинг молиявий ресурслар чекланган даврда корхоналарнинг машина ва асбоб-ускуналарни маблағ тежаш асосида, қисқа муддат ичида янгиланишига ёрдам беради.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон тадбиркорларининг бош муаммоси бўлмиш етарли маблағнинг етишмаслиги муаммосини ечувчи калит сифатида лизингга қарасак, уни янада мамлакатимизда кенг қўллаш ва тадбиркорлар фаолиятига кенг тарғиб этиш бугунги биз ёшлардан жуда катта куч ва ғайрат талаб этади.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, республикамызда лизинг соҳаси инфратузилмасини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчиман:

1. Лизинг операциялари билан шуғулланувчи мутахассислар тижорат бўйича, янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниклаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, қонунчилик бўйича, мол-мулкни суғурталаш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимга эга бўлишлари талаб этилади. Маълумки, лизинг операцияларини амалга оширишда лизинг олувчининг мол-мулкдан қониқарсиз фойдаланиши, лизинг берувчи ишлатилган асбоб-ускуналарни самарасиз сотиши, лизинг объектини эгасига ўз вақтида қайтарилмаслиги ва шу каби салбий ҳолатлар лизинг берувчининг рискларини оширади. Шу сабабли лизинг соҳасидаги

мутахассислар лизинг мулкани суғурталаш бўйича билимли ва тажрибали бўлиши катта аҳамиятга эгадир;

2. Ҳозирги вақтда лизинг операцияларининг ҳар хил турлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. Молиявий, тезкор, бўлинма лизинг, сублизинг ва шу кабилар юзасидан тузиладиган шартномаларнинг намуналари йўқ. Лизингнинг экспорт ва импорт турларига битим-шартномалар тузиш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ғоят зарур бўлиб турибди. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик битимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади.

3. Чет эл тажрибаси лизингдан фойдаланишда айрим минтақаларга ва бозор секторларига имтиёзлар бериш зарурлигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг техника ва технология соҳасида орқада қолган секторларига, масалан, қишлоқ хўжалигига, унинг маъсулотини қайта ишлашга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, маиший ва саноат электроникаси, тиббиёт техникасига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ва бошқа соҳаларга лизингдан фойдаланиш бўйича барча имтиёзларни бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Иқтисодиёти суст ривожланган минтақаларга солиқ соҳасида имкони борича имтиёзлар берилиши ҳам фойдадан холи эмас.

4. Инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги босқичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда лизингни ривожлантириш учун алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим. Лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва битимлардан озод қилиш, уларнинг мустаҳкамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. Қишлоқ жойларда бу ишнинг, йўлга қўйилиши қишлоқ

маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизингни жорий этиш мақсадида молиялаштиришнинг муқобил усулларини таққослаш лозим. Бунда молиялаштириш муқобил усулларининг натижаларини чиқимларнинг ҳақиқий қиймати кўрсаткичи, кутилган соф фойда бўйича қиёслаш талаб этилади. Бундан ташқари халқаро лизингни ривожлантиришда лизинг объектининг реал қийматини баҳолаш вазифаси ҳам кун тартибда туради.

6. Республикада амал қилаётган амортизацияни ҳисоблаш тартиби эскиришни бир маромда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни кўзда тутаяди, бу эса аслида инфляция шароитида вақт жиҳатидан (асбоб-ускуналарнинг қийматигина эмас, айти вақтда ҳисобланган ва шакллантирилган амортизация фондининг ҳам қадрсизланиши натижасида) амортизация қийматини йўқотишга олиб боради. Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жадал амортизацияни қўллашга руҳсат берилади, бироқ меъёридан юқори бўлган амортизация ажратмалари солиққа тортиладиган базага киритилади ва ундан солиқ ундирилади. Шу муносабат билан, бизнингча, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва солиққа тортиладиган базани қисқартирадиган жадал амортизацияни ҳисоблашнинг зарур усулларида эркин фойдаланишни амалиётга жорий этиш зарур, бу эса жамғариладиган амортизация суммасини инфляция таъсиридан сақлаш имконини беради.

7. Ишончли лизинг олувчини тўғри танлаш, улар таклиф этадиган лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини аниқлаш лизингдан фойдаланиш амалиётидага асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга лизинг олувчининг кредит қобилиятини аниқлаш ва лизинг бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш кўп жиҳатдан лизинг операцияларининг самарадорлигани оддиндан белгилаб беради. Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун халқаро тажрибага асосланиб Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятни эътиборга олиб иш тутиш лозим.

Лизинг муносабатлари лизинг мол-мулкидан фойдаланиш имкониятини олиш ва келажакда фойда кўриш нуқтаи назаридан кредит муносабатларига нисбатан самаралироқ бўлиши керак. Марказий банкнинг қайта молиялаштиришдаги ўзгарувчан ставкасини пасайтириш ҳисобига лизинг ставкасини камайтиришга эришиш мумкин. Шу билан бирга лизинг инфратузилмасини бутун республика ҳудудида бир маромда кенгайтиришни мақсадга мувофиқ. Лизинг соҳасини кенгайтириш учун лизинг битимлари таъминотининг кенг ахборот базасини вужудга келтириш, самарали ҳаётий лизинг лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашадиган консалтинг компаниялари ва фирмаларини, бошқа воситачилик ташкилотларини тузиш зарур. Лизинг компанияларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартлар билан молиявий ресурслар бериб турадиган махсус фондлар бўлиши лозим.

8. Мамлакатимиз лизинг бозорига «персонал» лизинги тушунчасини киритиб, уни ривожлантириш; олий таълим муассаларида бевосита лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш ва бунинг натижасида олий таълим муассасасининг молиявий аҳволини яхшилашга эришиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (21.05.2001 й.) // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2001 йил, 3-сон, 41-модда.
3. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1999 йил 14 апрел // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 1999 йил, 5-сон, 245-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси // Халқ сўзи, 2002 йил 9 январ, 6 сон.
5. “Банклар ва банклар фаолияти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (11.06.1994 й.) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 134-модда.
6. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (25.03.2002 й.) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 3-сон, 129-модда.
7. «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги ПФ-3831-сон фармони.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

8. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор

йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.

9. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

10. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

11. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

12. И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

13. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

14. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи. №14 (5414). 2012 йил 20 январь.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 47 б.

17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: 2010. – 25 б.

18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

19. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи. №14 (5414). 2012 йил 20 январь.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

20. “2009 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2009 йил 30 январь.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарори.

22. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоралари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сонли фармойиши.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.06.2000 йилдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш ва янада ривожлатириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. 2000. №124.

24. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 8-сон, 131-132-бетлар.

IV. Асосий адабиётлар.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2010. – 340 б.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. 2012. – 282 б.

27. Акрамов А. «Лизинговые операции реальны и должны быть популярны». // Банковские ведомости, №41 (180), 1999.

28. Аксенов В. «Лизинг или кредит — что выгоднее?» // Банковские ведомости, №50, декабрь, 1999.

29. Ачилов М.Ф., Безбородое А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А. Проблемы интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество. - Ташкент: БФА Республики Узбекистан, 1999.

30. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти». Дарслик, муаллифлар гуруҳи. - Т.: Укитувчи, 2000. 9-10-11-боблар.

31. Болтаев О. Банкларда лизинг операциялари хисобини ташкил этиш. //Бозор, пул ва кредит. №9, сентябр, 2003.

32. Васильев Н.М., Катыйрин С.Н., Лепе Л.Н. «Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства». - М.: ООО Издательско-консалтинговая компания «ДеКА», 1999.

33. Возможности перспективы развития лизинга // Бозор, пул ва кредит, №03, 2009-06-25.

34. Галимов Ю. «Лизинг - синтез аренды и кредита» // Деловой партнер Узбекистана, февраль, 2000.

35. Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш. «Лизинг и его развитие в Узбекистане», - Т.: Молия, 2001.

36. Васильев Н.М., Катыйрин С.Н., Лепе Л.Н. «Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства». - М.: ООО Издательско- консалтинговая компания «ДеКА», 1999.

37. Галимов. Ю. «Лизинг - синтез аренды и кредита» // Деловой партнер Узбекистана, февраль, 2000.

38. Гозибеков Д. Ф., Сабиров О.Ш. «Причины медленного развития лизинговых отношений в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям», «Узбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жахон тажрибаси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, Узбекистан Республикаси Банк-молия академиясининг «Молия» нашриёти, - Т.: 2000.

39. Гозибеков Д.Р. "Инвестицияларни молиялаштириш масалалари". - Т.: Молия, 2003.

40. Гозибеков Д.Г., Собиров О.Ш., Муминов А.Г., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: «Фан ван технология», 2004.

41. Джуха В.М. Лизинг. Серия «Учебники, учебные пособия». - Ростов н/Д: «Феникс», 1999.

42. Договор лизинга. Налоговые и таможенные вести, №51, декабр, 2003.

43. Ершова И. «Лучше лизинга может быть только лизинг» // Бизнес-

Вестник Востока, №45, 1998.

44. Законодательство о лизинге изменено // Бизнес-вестник Востока. №7, феврал, 2003.

45. «Истории лизинга» // Бизнес-вестник Востока, 6 июня 2002 года, №23(541), стр.5.

46. И снова о лизинге // Бизнес-вестник Востока. №27, июл, 2003.

47. Кабатова Е.В. «Правовое регулирование лизинга в России // Консультант директора. - 1996, №2.

48. Кабатова Е.В. «Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. - М.: ИНФРА-М, 1991.

49. Кабатова Е.В. «Лизинг: правовое регулирование, практика», - М.: ИНФРА-М, 1998 г.

50. «Компромисс интересов» // Бизнес-вестник Востока, 28 февраля 2002 года, №9(527), стр.6.

51. Козлова Д. «Лизинг: новые горизонты предпринимательства» // Экономика и жизнь №29, июль, 1996.

VI. Қўшимча адабиётлар.

52. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 375 бет.

53. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмурадов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

54. Бекмурадов А. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.

55. «Лизинг обречен на успех, но мешают налоговые проблемы». //«Экономика и жизнь», №8, 1996.

56. «Лизинг в России: пора подводить первые итоги» // «Экономика и жизнь» № 17 за 1996 г.

57. Лизинг: законодательство, практика применения, перспективы. - М.: Материалы научно-практической конференции, 29 июня 2000 года.

58. «Лизинг на пути реформ» // Бизнес-вестник Востока, 21 февраля 2002 года, №8(526), стр. 10.

59. «Лизинг хужалик шартномалари ва бухгалтерия хисобида» // Солик ва божхона хабарлари, 2002 йил 7 июн, 24(412) сон, 6-7 бетлар.

60. Лизинг в России //У Бизнес-вестник Востока, №29, июл, 2002.

61. Лизинг: что это такое? // Бизнес-вестник Востока, №21, май, 2002.

62. Лизинг в США // Бизнес-вестник Востока, №35, август, 2002.

63. Лизинг: основы теории и практики: учебное пособия / В.А. Шабашев, Е.А. Федулова А.В. Едошкин; под. ред проф. Г.П. Подшиваленко. 3-е изд. перераб и оп. - М.: кнорув, 2007.

64. Лизинг в Узбекистане // Бизнес-вестник Востока, № 14, ноябрь, 2004.

65. Лизинг солохияти // Уз ИА, №9-10, 2007.

66. Лизинг в сельском хозяйстве Республики Кыргызстан // Бозор, пул ва кредит; № 05, 2008.

67. Лизинговые операции: преимущества налицо // Бозор, пул ва кредит, №5, 2008.

68. Лизинг-фермерга мадад // Бозор, пул ва кредит, №3, 2009.

69. Лещенко М.И. Основы лизинга: Учеб пособие 2-е изд. перераб и доп. - М.: Финансы и статистика, 2004.
70. Низаев Т. «Покупают аэропорт: для чего?». // Правда Востока, 27 октября, 2000.
71. Новые изменения в законодательстве о лизинге // Бизнес-вестник Востока, №36, сентябрь, 2003.
72. О пользе лизинга // Бизнес-вестник Востока. №16, апрель, 2003.
73. «Перспективы и проблемы одной услуги». // Бизнес-вестник Востока, 27 июня 4 июля 2001 года, №26, стр.6.
74. Правовое регулирование лизинга в Узбекистане // Бизнес-вестник Востока, №25(27), июнь(июль), 2002.
75. «Рынок лизинга расширяется». // Бизнес-вестник Востока, 30 января 2003 года, №5(575), стр.4.
76. «Реал сектор ва кичик бизнесни молияий куллаб-қувватлаш» // Бозор пул ва кредит, № 2, 2009.
77. Рынок лизинга в Европе. // Бизнес-вестник Востока, №45, ноябрь, 2003.
78. Расторжение договора лизинга и истребование объекта лизинга // Налоговые и таможенные вести, декабрь, 2003.
79. Сабиров О.Ш. «Лизинг в Узбекистане: проблемы и решения» // Рынок, деньги и кредит, №4, 2000 .
80. Сабиров О.Ш. «Проблемы внедрения лизинга при финансировании инвестиций», «Иқтисодий ва эркинлаштиришнинг минтакавий муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Фаргона, 2000.
81. Сотрудничество МФК И ЕБРР в Республике Узбекистан // Бизнес-вестник Востока, № 18, май, 2003.
82. Ускоренная амортизация. // Бизнес-вестник Востока, №49, декабрь, 2002.
83. Финансовая аренда (лизинг) в России. Обзор нормативно-правовой базы. - М.: Международная финансовая корпорация, 2001.

84. «Финансовый лизинг становится рентабельным»^A/Бизнес-вестник Востока, 23 января 2003 года, №4 (574), стр.4.

85. Что тормозит лизинг в Узбекистане? // Бизнес-вестник Востока, №17, апрел, 2002.

86. Юлдашев Б. «Биз лизинг шов-шуви бусагасида турибмиз» // Солик ва божхона хабарлари №11, 1998.

VI. Даврий нашр, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

87. Халқ сўзи газетаси. 2005-2011 йй. сонлари.

88. Правда Востока газетаси. 2005-2011 йй. сонлари.

89. Экономическое обозрение. Журнал. 2005-2011 йй. сонлари.

90. Financial leasing in Central Asia, IFC, SECO, 2011.

91. Financial leasing in Central Asia, IFC, Tashkent, 2011.

92. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисобот материаллари (2007-2011).

93. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанки” Юнусобод филиалининг йиллик ҳисобот материаллари (2007-2011).

VII. Интернет сайтлари.

94. www.uzreport.com

95. www.review.uz

96. www.worldbank.org

97. www.financy.ru

98. www.bank.uz